

Bugungi O'ZBEKISTON

“МУҲАНДИСЛИК ОЙЛИГИ” РАСМАН ОЧИБ БЕРИЛДИ



2025 йил апрель ойи Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан юртимизда илк бор “Муҳандислик ойлиги” деб эълон қилинди. Бу ташаббус мамлакатимизда муҳандислик соҳасининг салоҳиятини ошириш, талабаларнинг ижодий ва

техник кўникмаларини ривожлантириш ҳамда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шунинг билан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида “Муҳандислик ойлиги”нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов, Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов, шунингдек, муҳандислик йўналишидаги олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-

ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган вазири Қўнғиротбой Шарипов Президентимиз томонидан муҳандислик соҳасига қаратилган алоҳида эътибор, сўнгги йилларда

амалга оширилаётган туб ислохотлар ва илғор ташаббуслар ҳақида сўзлаб, ёш муҳандисларга ва иштирокчиларга мусобақаларда муваффақият тилади.

Шунингдек, “Made in TUIT” номли кўргазма до-

ирасида талабалар томонидан яратилган энг яхши инновацион ишланмалар намойиш этилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати



Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Шавкат МИРЗИЁЕВ

УШБУ СОНДА:




ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК!

2-бет



“МУРУВВАТ”ДАГИ МУРУВВАТСИЗЛИК

3-бет



БУЮКЛАР ҲАМИША БУЮК

5-бет

Munosabat

XALQARO TADBIRLAR OLIY TA'LIM TIZIMI RIVOJIGA HAM XIZMAT QILADI



Bahodir XOLIQOV,
Samarqand davlat chet tillar instituti rektori

Markaziy Osiyo va Yevropa Ittifoqi o'rtasidagi aloqalar tarixan ko'p qirrali bo'lib kelgan. Bobomiz — Amir Temurning Yevropa davlatlari hukmdorlari bilan olib borgan diplomatik aloqalari Buyuk Ipak yo'li rivojiga, savdo aloqalari yuksalishiga xizmat qilgan. Samarqand shahrida o'tkazilgan "Markaziy Osiyo — Yevropa Ittifoqi" birinchi rasmiy sammiti va "Markaziy Osiyo global iqlim tahdidlari qarshisida: umumiy farovonlik yo'lida birdamlik" mavzusidagi xalqaro konferensiya Amir Temur va temuriylar davridagi aloqalarning mantiqiy davomi bo'ldi.

Sammitning Markaziy Osiyo davlatlari kelajak-istiqbolini belgilashdagi o'rni nihoyatda katta ekanligi jahonning tanqlik ekspertlari tomonida e'tirof etilmoqda. Bu sammit Markaziy Osiyo davlatlari uchun strategik ahamiyatga ega. Birgalikda intilish orqali mintaqaviy barqarorlik va iqtisodiy farovonlikni ta'minlash yo'lida yangi imkoniyatlarni yaratishga

erishiladi. Ushbu tadbirlar, Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi hamkorlikni mustahkamlash, iqlim o'zgarishlariga qarshi birgalikda kurashish hamda iqtisodiyot, turizm, qishloq xo'jaligi va ilm-fan sohalarini rivojlantirishda yangi istiqbolarni belgilashga xizmat qiladi.

Shuni faxr bilan ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning tashabbusi va sa'y-harakatlari bilan Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi hamkorlik aloqalari keyingi yetti-sakkiz yil ichida yanada mustahkamlandi. Bu davlatlar o'rtasidagi chegaralar bilan bog'liq muammolarga barham berildi. Markaziy Osiyo davlatlaridagi bu barqarorlik Samarqandda mazkur sammit o'tkazilishi uchun zamin yaratdi. Sammitda muhokama qilingan masalalar orasida mintaqaviy xavfsizlik, iqtisodiyotning diversifikatsiyasi va ijtimoiy taraqqiyot muhim o'rin egallagan har ikkala hududda istiqomat qiluvchi aholining manfaatlariga xizmat qiladi. Iqtisodiyotning turli sohalarini rivojlantirish masalalari keng muhokama qilingan mazkur sammitda mintaqa mamlakatlari resurslarga bog'liqlikni kamaytirishga, tovar va mahsulotlarini Yevropa bozorlariga olib chiqish imkoniyatiga ega bo'lishmoqda.

Markaziy Osiyoning boy madaniyati va tabiiy turizm sohasi rivoji uchun muhim rol o'ynaydi. O'zaro hamkorlik orqali turistik infratuzilmani rivojlantirish mumkinligi tadbirda alohida tilga olindi. Qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish uchun zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, har tomchisi oltinga teng bo'lgan suvni tejash, zamonaviy texnologiyalardan foydalanish zarurligi ta'kidlandi. Geologiya va mineralogiya sohalarida

hamkorlik qilish orqali resurslarni samarali boshqarish mumkinligi aytilib o'tildi.

Madaniyat sohasidagi hamkorlik mazmunli va samimiy bo'lishiga shubha yo'q. Markaziy Osiyo xalqlarining boy madaniy merosini jahon auditoriyasiga tanitishda yaxshigina tajriba to'plangan. Mazkur yo'nalishdagi hamkorlikni davom ettirish va bu borada samarali ishlashdan har ikkala tomon manfaatdor ekanligini ta'kidlash joiz.

Shu bilan birga, terrorizm va ekstremizm kabi xavf-xatarlar bilan kurashishda o'zaro yordam ko'rsatish juda muhimdir. Buning uchun tegishli sohalarga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, samarali ishlash uslublarini qo'llab-quvvatlash va xalqaro tajribalarni joriy etish orqali yuksak natijalarga erishish mumkin.

Sammit yakunida qabul qilingan Qo'shma deklaratsiya esa har ikki mintaqada davlatlari o'rtasidagi strategik sheriklik munosabatlarini yanada mustahkamlashda muhim qadam bo'lganini ko'rishimiz mumkin. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "yashil" energetika va ekologik barqarorlikka qaratayotgan e'tibori hamda Markaziy Osiyo va Yevropa o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish yo'lidagi tashabbuslari davlat rahbarlari va xalqaro tashkilotlar tomonidan qo'llab-quvvatlangani qalbimizni iftixorga to'ldirdi.

Yurtimizda 2030 yilgacha qayta tiklanadigan energiya manbalarining ulushini 54 foizga yetkazish rejalashtirilgani, shuningdek, 24 ming megavatt "yashil" quvvatni ishga tushirish maqsadlari, kelajakdagi energiya ta'minotini barqaror qilish borasida muhim qadam bo'ldi. Bu tashabbuslar nafaqat ekologik muvozanatni saqlashda, balki iqtisodiy o'sish uchun ham



muhim ahamiyat kasb etadi. Ko'tarilgan masalalardan kelib chiqib shuni aytish mumkin, mamlakatimiz oliy o'quv yurtlari talabalari va yosh tadqiqotchilarini global ekologik muammolarni chuqur o'rganishga yo'naltirish, xalqaro tajribalarni o'zlashtirish oldimizda turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi.

Sammitda ta'kidlanganidek, ilm-fan sohasidagi hamkorlik esa innovatsion g'oyalarni ishlab chiqishga, mamlakatlarni yanada rivojlantirish va xalq farovonligini oshirishga yordam beradi. Turli sohalarda, xususan ta'lim va ilm-fan sohalarida amalga oshirilayotgan loyihalar orqali yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash har bir mamlakat kelajagi uchun juda muhim hisoblanadi.

"Erasmus +" dasturi doirasida taqdim etilayotgan imkoniyatlar orqali talabalarga xalqaro tajribani o'rganish va zamonaviy bilimlarni egallash uchun keng yo'l ochilishi mamlakatimiz oliy ta'lim tizimi tajribasida isbotlangan. Shuningdek, "Ufu - Yevropa" dasturi ofisini ochish taklifi mamlakatlararo ilmiy va ta'limiy aloqalarini yanada kengaytirishga xizmat qiladi.

Mazkur nufuzli tadbir yurtimizda barqaror rivojlanish tamoyillarini ta'lim jarayoniga keng tatbiq etishni, yashil iqtisodiyot va innovatsiyalarni joriy etish hamda zamonaviy texnologiyalardan oqilona foydalanish bo'yicha ilmiy loyihalarni amalga oshirish imkonini beradi.

Yuqorida aytilganidek, bugungi kunda ta'lim va ilm-fan rivojini xalqaro hamkorliksiz tasavvur etib bo'lmaydi. Mazkur sammit Markaziy Osiyo davlatlari oliy ta'lim muassasalari va Yevropadagi nufuzli oliy o'quv yurtlari bilan keng ko'lami va mustahkam hamkorlik aloqalarni o'rnatishi uchun zamin hozirlaganing alohida mamnuniyat bilan ta'kidlamoqchiman.

Umuman olganda, "Markaziy Osiyo — Yevropa Ittifoqi" birinchi rasmiy sammiti va "Markaziy Osiyo global iqlim tahdidlari qarshisida: umumiy farovonlik yo'lida birdamlik" mavzusidagi xalqaro anjumaning ta'lim sohasi rivojidadagi ahamiyatini inkor etib bo'lmaydi. Ushbu tadbirlar Markaziy Osiyo davlatlarining kelajagini belgilaydi, eng muhimi, ilm-fan yuksalishi uchun xizmat qiladi.

” **Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.**

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК!



Убайдулла МИНГБОВЕВ,
Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Ҳурматли муштарийлар, охириги пайтларда айрим манбаларда, хусусан ижтимоий тармоқларда айрим давлат органлари мансабдор шахслари қаторида суд ҳокимияти субъектлари бўлган судьяларга нисбатан ҳам ҳар хил номуносиб муносабат билдириш, яъни уларни асоссиз айблаш, қадр-қиммати ва шаънига салбий таъсир қиладиган чиқишлар учраб турибди.

Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси ўз Уставида кўрсатилган асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, жамоатчиликда судга нисбатан салбий фикрларни юзага келишига ҳамда судьяларнинг шаънига путур етказишга сабаб бўладиган айрим асоссиз маълумотларни тарқатиш билан шуғулланаётган шахсларни, ва умуман, барча фуқаро-

ларни қонунларимизда белгилаб қўйилган муайян талаблардан хабардор этишни мақсадга мувофиқ деб топди.
Биз ҳуқуқий демократик давлатда яшаймиз. Шундай экан, ҳокимиятнинг олий органларидан бири бўлган Парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунларга, ва айниқса, қомусимиз — Конституциямиз моддалари талаб-

ларига сўзсиз рию қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Республикаимиздаги барча фуқаролар, у ким бўлишидан, қайси мансабда ишлашидан қатъий назар қуйидаги қонун талабларидан хабардор бўлишга мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўғри, ҳар соҳада, ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга кўра камчилик ва нуқсонларни борлигидан барчамиз хабардоримиз. Албатта қонунларимизда судья ҳар бир ишни мазмунан кўриб чиқишда, ҳар томонлама ишни чуқур ўрганиб, тарафлар ва гувоҳларни батафсил эринмасдан эшитиб, инкор этиб бўлмайдиган далиллар асосида у ёки бу шахснинг айби тасдиқланган ҳолда, ҳақиқат ва адолатли жазо чорасини белгилашда, қонунларимиздаги афзалликлардан тўғри фойдаланиб шахсни ҳақиқий содир этган ҳаракатига қонуний баҳо бериб, адолатли жазо чораларидан бирини тайинлаш лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ камчилик ва нуқсонлар хусусида қай тартибда тегишлилигига қараб мурожаат қилиш ҳам қонунларимизда аниқ қилиб кўрсатилган. Шундай экан, қонунларда кўрсатилган ҳуқуқларимиздан тўғри фойдаланиш, демократиклик, аниқлик деб, бирор-бир шахсга нисбатан ҳурматсизлик қилиш орқали, унинг шаъни ва қадр-қимматини айниқса, судга, судьяга нисбатан камситувчи, бирёклама ва ноҳолис, шунингдек, аҳолида давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан

ишонсизлик кайфиятини уйғотадиган маълумотларни очикдан-очик тарқатиш, қонунларимиз билан ман этилганлигини, бунинг учун маъмурий, ва ҳатто, жиноий жавобгарлик белгиланганлигини ҳам билишимиз зарур. Шу боис фуқароларимизни айрим қонун талабларига эътиборли бўлишлари лозим бўлади, деган умидда, тегишли қонун талабларини ўқиб ўрганадилар ва уларга рию қиладилар деган мақсадда қуйидагиларни тавсия қилмоқдаман.

Судлар ва судьялар томонидан маслаҳат хонасида чиқарилган ҳар қандай ҳукм ва қарорларига баҳо бериб танқид қилишга ҳар қандай шахсга ҳам ҳуқуқ берилмаган. Фақат қонунда кўрсатилган шахсларгина чиқарилган суд қарорларидан норози бўлсалар, тегишли тартибда юқори инстанция судига мурожаат қилишлари процессуал қонунларимизда аниқ кўрсатилган.

Конституциянинг 60-моддасида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга рию этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” дейилган.

Ўзимизга савол бериб кўрайликчи, барчамиз ҳам Конституциянинг ушбу талабига рию қиляпмизми?!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасида эса, судьяларнинг мустақил эканликлари, фақат Конституция ва қонунга бўйсунishi, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасида-

ги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.



Агарда, менда ваколат бўлганида эди, қонуннинг мазкур талабини бирор-бир фуқарога қўллашни асло раво кўрмаган бўлар эдим. Бундай ҳаракатлар содир этиладиган ҳақиқатдан ҳам йироқдаман.

дан маънавий зарар ундирилиши кўрсатилган. Кимгадир қонуннинг шу талабини қўллаш шартми?

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасида ҳақорат қилиш — яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганлик

мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши, мумкин дейилган. Аллоҳ менга инъом этган тўқсон йиллик умримнинг олтимиш йилга яқинини суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятга бағишлаган бир оқсоқол инсон сифатини қўллаш шартми? Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасида ҳақорат қилиш — яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганлик

Мухтасар айтганда, юқоридаги қонун нормаларини мен кимнидир кўриштириш учун эмас, балки тарбиявий нуқтаи назардан ҳар хил ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида, фуқароларимизни ўзаро ҳурматда бўлиши учун жамиятда ўз ўрнини билиб юришга даъват этган ҳолда келтирдим, холос. Айтмоқчиманки, Конституциявий бурчимизни чуқур англаб ҳамда ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, қонунларга қатъий рию қилиш барчамизнинг асосий вазифамиз ва қонуний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шундай ҳар биримиз, мен ҳуқуқий демократик давлатда яшайман ва унга ўзимнинг қонуний ҳиссамни қўшмоқдаман, чунки менинг фуқаролар ва давлат олдидаги бурчим ҳам шуни талаб этади, деб айта оламиз. Ана шу масалаларда барча муштарийларга маслаҳат бериб, уларга сихат-саломатлик, ишларига омад, яхши кайфият тилаган ҳолда барча эзгу ният ва мақсадларининг амалга ошишида тилақдошман.

ЕРЛАРНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАБ ОЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан кадастр соҳасини тубдан ақомиллаштириш борасида тизимга замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, кўчмас мулк ва ер ҳисобини юритиш ҳамда назорат қилишни рақамлаштириш каби бир қатор топшириқлар белгилаб берилган. Белгилаб берилган топшириқлар ижроси қандай кетяпти? Кадастр агентлигининг Йўл-ахборот таҳлил бошқармаси бошлиғи Феруз Султонов билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

— Кадастр тизимида рақамлаштириш жараёнлари қандай кетяпти?

— Кадастр тизимида бу борада ўтган йилда бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, фаолиятимизнинг қонуний асосини мустаҳкамлаш ва ақомиллаштириш бўйича соҳага оид 11 та норматив ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Шунингдек, соҳани рақамлаштириш бўйича 2 та ахборот тизими, яъни Кадастр муҳандиси ва “ЕТИРОФ” АТ тўлиқ ишга туширилди.

Қолаверса, Ўзбекистоннинг умумий 44,9 миллион гектар ер майдонидан 42,3 миллион гектареги 94 фоизининг электрон харитаси яратилиб, 41,8 миллион гектареги давлат рўйхатидан ўтказилди. Шунингдек, аввал ҳисобга олинмаган 182 мингта янги объект ва 2,3 мингта маъмурий объектларда кўшимча қўрил-

малар аниқланиб, кадастр базасида ҳисобга олинди.
Шуни ҳам айтиш жоиз, бугунги кунда кадастр базасида ҳисобга олинган кўчмас мулк объектлари сони 8,5 миллионга яқин ташкил этиб, улар тўғрисидаги маълумотлар солиқ органларига онлайн тақдим этиб келинмоқда.

— Бугунги кунда кадастр тизимида неча турдаги кадастр хизматлари йўлга қўйилган?

— Бугунги кунда 3 турдаги янги кадастр хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат хизматлари марказлари ва нотариал идоралар орқали жами 21 турдаги 3,3 миллиондан ортиқ кадастр хизматлари кўрсатилди. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан 954 мингта кўчмас мулкка бўлган

ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шундан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ 13 минг 669 та қонунбузулиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

— Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган фуқароларга қандай чоралар кўриломоқда?

— Бугунги кунда, ер назоратини амалга оширишда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва “Ўзбеккосмос” агентлиги билан ҳамкорликда ишлар олиб борилаётган. Ер назорати тadbиркорлари инсон омиллини камайтириш мақсадида ягона “Е-Ҳақорат” ахборот тизими ишга туширилиб, Бош прокуратура, Олий суд, ИИВ ва “Ўзбеккосмос” агентлигининг ахборот тизимларига интеграция қилинди.

Ҳозирда барча ер қонунбузулишларни назорат қилиш ва уни мантикий ечимга етказиш ушбу тизим орқали амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ер ва кадастр назорати натижасида 9 минг 462 гектар ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 41 минг 972 та қонунбузулиш ҳолатлари берилган ёзма кўрсатмалар натижасида ихтиёрли раёвлар этилди. 21 минг 459 та ер қонунбузулиш ҳолатлари бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Янвортан

аломавлари аниқланган 2 минг 146 та материал прокуратура органларига киритилди.

Шунингдек, 3 минг 868 та ҳолатда 17,5 минг гектар ердан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, ерга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш юзасидан ҳокимликларга 3 минг 849 та (17,5 минг гектар) тақдимномалар ҳамда судларга 19 та (68 гектар) даъво ариза киритилди.

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги фуқароларга ерлар қандай ажратилади?

— Тадбиркорлар ерларни аукцион орқали олишлари мумкин. Ўтган йилда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 105 мингта бўш ер участкалари “Yerelektron” тизимига киритилиб, 41,6 мингта аукционга чиқарилди.

Яна бир маълумот, Президентимизнинг 2022 йил 10 сентябрдаги 373-сон қарорига асосан 253 минг гектар ерларни деҳқон ҳўжалиги учун танловга чиқариш бўйича берилган топшириқларга асосан ҳокимликлар қарорига асосан 261 минг гектар ерлар захиргага қайтарилиб, кадастр идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бундан ташқари, кадастр идоралари томонидан жами 2 002,5 минг гектар (498 минг гектар сувли) захира ерлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Шундан, “Ўздаверлойдик” то-

монидан 782 минг гектар ер участкалари танловга чиқарилиб, аукционда 615 минг гектар танлов голиби аниқланган.

— Ўзбекистонда ўтган йилда қанча ерлар хатловдан ўтказилди?

— Мамлакатимиздаги 29 та туманининг 5,6 миллион гектар ер майдонлари хатловдан ўтказилиб, 412 та маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари яратилиб, 70,5 минг кв.км. топографик хариталар янгиланди.

Маълумот ўрнида шуни ҳам айтиш жоиз, давлат кадастрлари ягона тизимида жами 16,5 миллиондан 16,5 миллионга сиқилди, 764,2 минг кв.дан 562,2 минг кв чизикли ва 56,9 миллион гектардан 54,3 миллион гектар геоахборот маълумотлари умумий ҳисобда 90 фоиз шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳақида уларда қўрилган би-

Шу жойда яна бир масалани айтмоқчиман, айниқса, бизни журналистларимиз ва ижтимоий тармоқлар орқали чиқиш қиладиган шахсларимиз мамлакатимиз судини мустақиллиги, уни ишга бирор бир тарзда аралашмаслик, аралашганларни фож қилишга камарбаста бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади, демоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасининг бешинчи қисмида, ҳаттоки, ҳар қандай фуқарога нисбатан ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатган шахс-

учун ҳуқуқбузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланган. Шу даъвога боришимиз керакми?!

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин яна содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача

нолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонуни доирасида 2 минг 67 та маҳалла ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ва уларда қўрилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш бўйича хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, 28 та туманининг 6,9 миллион гектар ер майдонлари хатловдан ўтказилди. Андижон вилояти мисолида республиканинг 6 та ҳудудида 23 744,6 минг гектар ер ресурсларининг ҳисоботидаги ва амалдаги майдонлари ўртасидаги фарқлари ўрганилди. 13 мингта ноқонуний қўрилмалар ва ўзбошимча эгалланган ерлар аниқланиб, уларга нисбатан чоралар кўрилади. 11,4 мингта кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича белгиланган муддатда мурожаат қилмаган субъектларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилади.

Қолаверса, 53,3 мингта ер участкалари “Yerelektron” ААТга киритилди.



Шуни ҳам айтиш жоиз, жорий йилда 125 минг кв.км. аэро ва космик суратга олиш ишлари бажарилиб, 105 минг кв.км. рақамли ортофотопланлар яратилди ва 85 минг кв.км. топографик хариталар янгиланди. 21,45 минг нусха топографик хариталар нашр қилинди. 430 та маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари белгиланди. 2 минг 352 та маҳалла чегаралари белгиланди.

Яна бир маълумот. Шу йилда 6 та янги кадастр хизматлари жорий этилди. Улушдор ва тижорат банки ўртасидаги шарҳномани давлат рўйхатидан ўтказиш, кўп квартирли уйларни фойдаланишга қабул қилиш, бионинг иختисослигини ўзгартириш, кадастр паспортини бериш ва давлат рўйхатидан ўтказиш (композит хизмат), бирламчи кўчмас мулкни банк орқали ипотека шартномасини онлайн рўйхатдан ўтказиш, геофазовий маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш кўзда тутилган.

Ш.МАМАТУРОВА

„Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак.“


“МУРУВВАТ”ДАГИ МУРУВВАТСИЗЛИК

“Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — инсонийликнинг энг олий мезонидир”, деб таъкидлаганида Президентимиз нақадар ҳақ эканлигига амин бўламиз.



Бу олий кадрлардан саналган тушунча бугунги кунда айрим кичик бўғим раҳбарлари, диёнат-у, инсонийликни унутган айрим кимсаларга юқоридаги азалий инсоний муносабатлар бегоналашиб бораётганини кўриб, ичингдан нафс балосига йўлиққан бўлсалар керак, деган уй ўтади.

Тахририятимизга фахрий журналист “Шухрат” медали соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси Ҳайдар Акбаров ўзи истиқомат қилаётган Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги “Мурувват” МФЙда содир бўлаётган диёнатсизлик, талон-торожликлар ҳамда маҳалла раисчи-ю, ҳоким ёрдамчи-си-



нинг айрим “кимса”лар билан тил бириктириб ўзбилармонлик билан бировнинг мулкига тажовуз қилаётганлари юзасидан мурожаат келиб тушди. Ноҳақликлар юзасидан муаллифнинг мурожаатини эълон қилишни лозим топдик. Акс ҳолда куйида айтилаётган бошбошдоқликлар янада кучайиб муаллифга босим қилишгача бориб етмасин. Халқимизда “Шаҳар бедарвоза эмас” деган нақл бор. Ҳозир айрим одамлар томонидан шаҳарнинг ҳар тарафига, ҳатто анҳор устига ҳам ўзбошимчилик билан уй қуриб олганлар учраб турибди. Кимнидир номини сотиб, уларга ташвиш олиб келаётганлар қанча-қанчалаб топилади. Бун-

дайларнинг танобини ким тортади... Бу борада ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар бор, ОАВ бор қолаверса қонун бор: ...Илк баҳор чоғи сув бир бор лойқаланиб олганидек, таассуфки бу янги ланишларнинг туб моҳиятига етмаётганлар ҳам учраб турибди. Чирчиқ шаҳридаги “Юмалоқ” мавзесида “Мурувват” маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Кўп миллат вакиллари истиқомат қиладиган ушбу маҳаллада ҳам бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда, аҳоли учун муайян қулайликлар яратилмоқда. Аммо... ушбу шароитлардан четлаб ўтиб, нсоннинг таъбини

тирик қилаётган муаммолар ҳам бор.

Мисол учун ўзим билан боғлиқ ғалати иш содир бўлди. Бир вақтлар бир ҳовлини сотиб олиб, новвойхона ташкил этгандим. Кейинчалик ун маҳсулотларининг нархи кескин ошиб кетиши натижасида фаолиятни тўхтатган эдим. Шу ҳовлига томорқа сифатида (кадастр ҳужжатлари мавжуд) бириктирилган ер майдони бор эди. Бу ҳудуд темир панжаралар билан ўралган, мевали боғдан иборат 8 сотихча жой эди. Ўтган йили баҳорда мени маҳалла ҳоким ўринбосари Элмурод Аҳмедов чақиртириб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича менга тегишли то-

морқа фуқаро Ҳамдам Қурбоновга бириктириб берилишини маълум қилди. Ва ўзи сўзида “бу ҳудуд сизга тегишли бўлсада тепадан ҳаммаси ҳал бўлган” дея қўшиб қўйди. Маҳалла фуқаролар йиғини номидан фуқаро Ҳ.Қурбонов номига тегишли тавсия хати ҳам берилибди.

Кейинроқ билсам, Чирчиқ шаҳар БТИ си солиқларни тўлиқ тўлаб келинаётган томорқани давлат кадастрдан ўзбошимчилик билан чиқариб ташлаб, эгасиз ҳолатга келтириб чиқарган экан. Ер бириктирилган шахс Ҳ.Қурбонов Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилмайди. Қорасув кўчаси-4 уй унинг номида ҳолос. Бу уйда



унинг укаси Фарҳод Қурбонов оиласи билан яшаб келади ва Хоразмда доимий рўйхатда туради.

Маҳалланинг хати қўларига тега-тегмас ер масаласида ҳокимлик қарори чиқмасдан туриб ака-ука Қурбоновлар томорқада ўралган арматура қозиклар ва темир панжараларни ўзбошимчилик билан кўприб металфурушларга пуллаб юборишди. Эга сифатида суриштириб борсам, Фарҳод Қурбонов менга қараб ўдағайлаб, “сени шу жойида гумдон қилиб юбораман” деб куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Энди савол туғилади, нега ҳоким ёрдамчиси ака-ука Қурбоновларга сахийлик кўрсатиб, уларни қўллаб-қувватламоқда.

Маҳалла раиси Ж. Абдурахмонов ҳамма ишдан хабардор бўла туриб, ломим дея олмапти?! Бу масала юзасидан мутасаддиларга бир неча бор оғзаки мурожаат этдим,

аммо натижа йўқ. Бировнинг ерини бировга ўзбошимчилик билан ўтказиб юборишга уларнинг қанчалик вақолати бор. Ёки юқорида таъкидланганидек, “Шаҳар бедарвоза” бўлиб қолдимми?!

Ўйлаймизки, юқорида номлари зикр этилган ўзбошимчаларга тегишли ташкилотлар ўзларининг адолатли қарорларини чиқаришар, деб ёздаи муаллиф.

PS: биз бу мавзуга яна қайтамиз ва бу ҳақда Тошкент вилояти ҳокимлигидаги мутасаддиларни ҳам огоҳлантириб қўйганмиз. Лекин улар ҳам ҳалигача байрамлар баҳона тахририят юборган мурожаатга вақт ажрата олишмаяпти шекилли...

Ҳайдар АКБАРОВнинг мурожаатини махсус муҳбир **Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ** ёзиб олди.

Расмларда: маҳалла ҳудудидаги аҳволнинг айрим кўриниши.

Баъзан истисно тариқасида шундай ҳолат учрайдик: ёнма-ён икки дала, ўртадан йўл ўтган. Бир томони серсуб, унумдор. Қарши тарафи эса янтоқзор бўлиб қуриб-қақшаб ётибди ва ер ҳам ориқ. Гарчи вазиятни меъёрига келтириш, яъни “ориқни семиз” қилиш учун барча чоралар кўрилса ҳам, ер баттар қақшаб кетаяпти. Нариги томон эса сув кўплигидан шўр босиб, захлаб бормоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар иш бермайверади, шўрлаш ва чўллаш давом этаверади. Икки тараф учун ҳам зарарли бу ҳолатни тўхтатиш мумкин эмасдек тус олган, ҳатто мутасаддиларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, вазиятга таслим бўлган, кўниккан.

Бундай ҳолатлар — натижа кишининг хоҳлаганидек эмас, тескариси бўлиши техникада ҳам учраб экан.

АҚШ Қуролли кучларига қарашли Калифорниядаги базасида одамнинг энг қийин парвоз шароитларида чидамлилигини ўрганиш давоми этарди. Реактив двигателлар лабораториясининг инженери капитан Эдуард Марфи синов учун тайёрланган учиб қурилмасининг двигателини ишга қўшди. Шунда ҳаммани хайратга солган воқеа рўй берди. Фалокатли шароитларда синов парвозини ўтказишга мўлжаллаб ясалган қурилманинг парралари тадқиқотчилар кутганидек эмас, тескарисига айлана бошлади. Бунақасини кутмаган синовчилар лол бўлиб қолдилар..

Чиндан, олдинга юриши қутилган одам бирдан орқага қадам ташлаб қолса ёки сузиб бораётган киши қўлини йиғиштириб, куйига шунги кетса, бундай бўлишини кутмаган ва

“АКСИГА ОЛИБ...”

Иш чапидан келса, сув ҳам тиш синдираб...

одатдаги ҳаракатга сезгиларини мослаштириб турган одам тескари ҳолатни кўрса, довдираб қолиши бор гап. Тескари айланаётган парракни кўрган синовчилар бир зум шошиб қоладилар, аммо тезлик билан двигателни тўхтатадилар. Нафас ростлаб олгач эса қутилмаган манзарадан ҳаёлини йўқотган ходимлар ўзларига келгач, аҳволларини — кимдир бақириб юборган, биров ўтириб қолган, бошқиси югуриб кетган... — кўз олдиларига келтириб, бир-бирини масхара қила бошлайдилар. Ҳатто расмий йиғилишларда ҳам ҳаяжонга, ҳам изидан кулгига сабаб бўлган ҳолат тилга тушиб қолади: “Марфе ясагани каби...”, “Марфега ўхшаб...” сингари иборалар беихтиёр муомалага кирди. Бу одатдагига зид, қутилмаган, “туҳумдан жўжа ўрнига тошбақа чиққан”идек ҳолатларни ифодаларди. Ҳатто бир химик олим матбуот анжуманида шундай истисно ҳолатларни амак қилди” деган ибора қўлланила бошлайди.

Парракнинг тескари айланиш сабаби текшириб кўрилганда эса инженер айланишни таъминлайдиган қисм — ускунани тескари ўрнатиб қўйгани маълум бўлади! Шундан кейин техникада оддий ҳолат ҳисоб-

ланган ҳар қандай механизмнинг фақат ўзи мўлжалланган функциясини бажариши, агар инженер хато қилган, яъни янгилишиб, мурватни тескари ўрнатиб қўйган бўлса, албатта, у тескари айланиши яна бир марта тасдиқланади ва бу “Марфё қонуни” деган категория билан белгиланади. Шундан кейин ижтимоий ҳаётда ҳам қутилганига тескари ҳолатлар рўй берса (масалан, камбағалликни қисқартириш учун қанча кўп маблағ ажратилверса, камбағаллик шунча кўп ошиб бораверади!), “Марфе қонуни амал қилди” деб тасдиқланадиган бўлади.

Бу мантиқни соф ўзбекча “Арпа экиб, бўғдой ўраман дема” тарзида соддагина ифодалаш мумкин. Яъни “Нима эксанг, шунчи ўрасан”. Баъзан эса истисно тариқасида бу мантиқ беихтиёр бузилади ҳам. Дейлик, атайлаб кимнидир кўриш учун борасиз. Аммо ҳар куни ишда бўладиган одам шу пайтда жойида ўтирмаган бўлади. Ёки бош врачга укол қилаётганда шприц қайрилиб кетади ёки дори тугаб қолади. Мактабга комиссия келган кунни давомат энг паст бўлади. Бундай ҳолда халқимиз “Ишонган тоғда кийик ётмас” каби ёки бошқа шу маънодаги мақолларни қўлайди. Шунга ўхшаш ҳолатларнинг мантиқий ҳулосаси эса: “Агар нимадир шундай бўлиши керак эдими, шундай бўлади”. Марфе қонунининг ҳазиломуз

фалсафий тамойили шундай.

Унинг худди шундай ярим чин, ярим ҳазил тариқасидаги бир неча қонуниятлари ва уларнинг оқибатлари “кашф қилинган”:

Агар кўнгилсизлик рўй бериши керак бўлса, ўша рўй беради. Ҳаммаси қутилганидек осон эмас. Ҳар қандай юмуш мўлжалдан кўп вақт талаб қилади.

Ҳаммадан зарар кўп етадиган жойида кўнгилсизлик рўй беради. Агар зарарнинг тўртта сабаби бартараф қилинган бўлса, бешинчиси, албатта, топилади.

Ўзи юзага келган воқелик ёмондан яна баттарига томон ривожланиш табиатида эга бўлади.

Бир ишга қўл урсангиз, ундан олдин бажарилгани керак бўлган бошқа бир юмуш чиқиб туради.

Ҳар қандай ечим янги муаммони келтириб чиқаради.

Ҳаммаси ҳал бўладиган пайт бўлади. Ваҳима қилманг, ўша пайт келади.

Нима бузилиши керак бўлса, бузилади. Оқибати: бузилиши керак бўлмаган нарса ҳам бузилади.

Ишлар яхши кетаяптими, яқинда нимадир рўй беради.

Ишлар ёмон кетаяптими, яқинда ундан ҳам баттар бўлади.

Вазият, сизнингча, яхшиланаптими, демак, сиз нимагадир эътибор бермагансиз.

Одамлар ҳар қандай тақлифни

тақлиф қилган киши кутгандек қабул қилмайди.

Агар сизнинг фикрингиз ҳар қандай ёлгондан холи бўлса ҳам, барибир сизни тўғри тушунмаган одам топилади.

Ҳаракатингиз тўғрилигини ҳамма тан олса ҳам, барибир кимгадир у ёқмайди.

Нимадир нотўғрилиги муҳим эмас, унинг ёқимли кўриниши муҳим.

Агар тахриба ўнгидан келса, нимадир жойида эмас...

Албатта, зоҳиран тасдиқ ва бир вақтнинг ўзида ботинан инкор силлогизмлар асосида бундай қонуниятларни қўллаб қайд этиш мумкин. Табиийки, улар воқеликни тўла акс эттира олмайдик, фақат у ҳақида тасаввур беради ёки мавжуд тасаввурларни тўлдирари, ҳолос. Бу эса, шубҳасиз, вазиятни олдиндан чамамалаш ёки, ҳатто башорат қилишга имкон яратади.

Муҳокамадан мурод — мадора шуки, капитан Эдуард Марфе парракни айлантирувчи ускунани тескари ўрнатиб, хатога йўл қўйган, бир вақтнинг ўзида кулгига, ҳам янги ҳазиломуз фалсафий қонуниятнинг “очирилиши”га сабабчи бўлган эди. Ҳўш, ижтимоий ҳаётда бу қонуният қандай ҳолатларда амал қилади ёки зуҳур бўлади?

Икки хил ҳолатдаги далани мисолга олдик. Бири зах босиб, бири

эса чўллаб ётган пайкалнинг бу ҳолга келиши агротехника қондалари, қолаверса, қонунларига амал қилмасликданми ёки шунчаки англошмилмовчиликми? Албатта, сабаб ер илмига амал қилмаслик. Бу — асосий бош сабаб. Аммо истисно ҳолат шундаки, қарама-қарши манзаранинг юзага келишида ижтимоий меъёрлар — ерга муносабатда ҳалоллик (сувнинг, ўғитнинг тенг миқдорда ажратилиши, техника билан ишлов ва бошқалар), адолат (пайкал эгаларига турлича муносабат — бири раиснинг одами...), бошқа сабаблар — агротехника-мелиорация талабларининг бузилиши ҳам таъсир этгани шубҳасиз.

Хуллас, умуман, “Ер деҳқонни алдамайди”, деганларидек, ижтимоий ҳаётда ҳам ҳар қандай ҳаракат исзис кетмайди. Қаердадир қатъий меъёрлар — ҳалоллик, адолат, илмий муносабат ва ҳоказо тарих тахрибасида тасдиқланган ҳақиқатларга амал қилинмас экан, натижа тескари бўлаверади. Сувни меъёридан ортиқча қуйиш шўрланишга олиб келганидек, маблағ кўпдан кўп ажратилвергани билан таълим сифати тушиб кетаверади, жинойтчилик ошиб бораверади, маънавиятда қутилмаган кўнгилсиз ҳолатлар учриб кетаверади. Демак, парракни қутилган тарафга айлантириш учун уни айлантирадиган ускунани тескари эмас, ўнглаб қўйиш керак экан...

Ушанда парракнинг тескари айланиши шошириб қўйган бўлса ҳам, совуққон олимлар ўзларини йўқотмаганлар, тезда двигателни ўчирганлар. Билъакс, қурилма портлаб кетиши мумкин эди...

Болта КАРИМОВ, педагог.
Ҳаким САТТОРИЙ, журналист.

4 НЕГИЗ

” Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши керак.

ДЎСТЛИК КУЙЧИСИ

Шоир Хушбоқ Раҳим 1940 йил 15 октябрда Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманининг Оқтумшук қишлоқ шўросига қарашли Култөпа қишлоғида туғилган. Болалиги Сурхоннинг кенг даштлари-ю, ўрқач-ўрқач адирларида, гўзал табиати билан ажралиб турган Боботоғ қирларида ўтган.

Хушбоқ Раҳимнинг асли касби математик, фалсафа фанлари номзоди, файласуф олим. У олим бўлишига қарамай бир умр “назм” — деб, аталмиш гўзал гулзордан ранг-баранг сўзлар гулдастасини меҳр билан жамлаб, ўз мухлисларига тортиқ этиб келмоқда. Унинг барча шеърларида, аввало, донолик, катта фалсафа, ўтмиш, узок тарих ётади, бу эса китобхонни ўйлашга, сўзларни, мисраларни қайта-қайта ўқишга, фикрларни мушоахада қилишга, қолаверса, адабиётни, тарихни, фалсафани ўрганишга, кези келганда лугат ахтаришга ундайди.

Хушбоқ Раҳим 2000 йил Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Ижодкор ўқитувчи”, 2022 йил “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги”, 2024 йилда I даражали меҳнат фахрийси нишонлари билан тақдирланган. 2023 йилдан Турон фанлар академияси фахрий Академиги ҳисобланади.

Хушбоқ Раҳим ўз ижодида “Айригаза”, “Тоғурон”, “Юрак садолари”, “Қалбдаги битик”, “Боботоннинг хумори”, “Миллият”, “Буҳоро қасидаси”, “Қорақўлнома ёхуд қалб кўри”, “Кўнгил фалсафаси”, “Чағониён ёхуд бетакрор дунё”, “Тошкентим — дунёлар бешиги”, “Сени шарафлайман, Дунё”, “Бектемир”, “Қўқдан тушмаган китоблар”, “Ҳайрат ёхуд Зувалага қасида”, “Сурхондарё қасидаси”, “Тожиқ дўстим, ўзбекингман”, “Занжирбанд дунё ёхуд Тоштемир” номли шеърӣ тўпламларини китобхонлар ҳукмига хавола этган. Шоирнинг барча асарлари шеърӣ илҳомландирган томонидан севиб ўқилмоқда.

Ҳаёт ва ижтимоий ҳаёт бетакрор гўзалликлари шайдоси, изланувчан шоир Хушбоқ Раҳим ўз асарларида турли миллат ва элатларга мансуб инсонларнинг ўзига хос бетакрор фазилатлари, эришган ютуқларини тараннум этади. “Сени шарафлайман, Дунё”, (“Илм-Зийё-Заковат”, 2020 й.) шеърӣ асариди “Истамбул” қасидаси, “Қадрдоним турк”, “Қиз қаъла”, “Ҳиндистон”, “Тоғмаҳал”, “Кутб минор”, “Истикосёни”, “Ойна қиррасидаги битик”, “Қўрғазма”, “Адаптация”, “Армон”, “Хумоюн мақбараси”, “Саққизинчи ранг”, “Келди-кетди”, “Агра қалъаси” каби қатор шеърлари Туркия ва Ҳиндистон давлатларидаги таассуротларига бағишланган. Қўшни Тожикистон ҳудудларининг ҳайратномалари эса алоҳида китоб тарзида “Тожиқ дўстим, ўзбекингман” (“Yashil yarqoq pashriyoti” МЧЖ, 2024 й.) шеърӣ асариди юзга яқин шеърларда келтирилган. Хушбоқ Раҳим юқоридида асарларида дўст мамлакатлар кадрлярига, гўзал табиати, меҳнат аҳли турмушини бир дўст сифатида баҳоли қудрат ўрганган ва шеърга солган.

Шоир Хушбоқ Раҳимнинг “Кутб минор” шеъридан ўқиймиз:

Беш қатлам, иккиси мрамор, безак кам Куръон, сура, оят, мадҳиялар ҳам. Тўртта тасма, белбоғ қанча тафаккур Қанча ҳисоб-китоб, маънавият жам Кутб минор.

Қўқсизга кўз тиксам, нур бор, сояли Заминда тоғлар кўп, олом қояли. Мен билан осмонди гавжум Деҳлида Уч юз етмиш тўққиз зинапояли Кутб минор. Худди юқоридидаги каби “Агра қалъаси” шеъридан ўқиймиз:

Гуёҳи ҳаёт, шиқ, завқдан-да кўпроқ. Эрдан сал аввал одамлар атай Ромитон томондан ташиган тупроқ. Арсли Бухородан Аерага етдим Бир уялиб, кейин, қувониб кетдим.

Чор унсур, Зарафион, Қорақўл мендан Дунёлар борича беками йўқ, бой. Наршахӣ қайд қилган қамшизор, тепа Бир буқа нўстидан кичик эмас, жой. Арсли Ғиждудондан Аерага етдим Бир уялиб, кейин, қувониб кетдим. Шоир “Тожиқ дўстим, ўзбекингман” номли шеърӣ қасидасининг шеърӣ мисраларида кўшни, дўст мамлакатнинг бетакрор табиатидан завқланади, тожиқ халқининг бунёдкорлик ишларидан фахр туйғусини ҳис этади. Дўстлик туйғуси қадимий маънавий қадрият. Жаҳонда зиддиятли, боғланмай-

диган, манфаатли муносабатда бўлмайдиган давлат, оила, одам йўқ. Инсоннинг ўзини тушуниши, бир бутун оламнинг оддий бир заррачаси эканлигини англаб етиши осон эмас. Ўзининг кимлигини ва нима ишларга қодирлигини англаб яшаган маънавиятли одам бошқалар учун ҳам яшайди. Хушбоқ Раҳим ҳам ўзининг кимлигини биладиган бошқалар учун ҳам яшайдиган, дўстликни улуглайдиган шоирлардан бири.

Шоирнинг ушбу тўпламга киритилган биринчи шеърӣ “Тожикистон”:

Коинот, табиат, азал ҳам абад Заминга қиш, баҳор сепини ёйса. Саҳардан кўёшни қарши олган гул Ҳазрати одамга дон тўтса майса. Федченко музиси ўша ҳаёт, тўп Болари сонидан зиёласи кўп. Тожикистон!

Олам, унинг шакллари коинот, замин, ҳаёт, яъни ўсимликлар, ҳашоратлар дунёси, ҳайвонот олами ва олам ичра одамлар ҳар бири бизга боғлиқ бўлмаган, ўзига хос қонунлари таъсири асосида ҳаракатланувчи ёпиқ тизим. Заминнинг кўёш атропофида айланиши, фаслларнинг кетма-кетлиги, ернинг инсонга ризқ ато этиши ва ҳокоза. Улар азалдан то абад бир бутун модда ва майдондан иборат.

Хушбоқ Раҳим, “Табиат” шеърӣда Тожикистоннинг бетакрор тоғларини, ундаги мавжуд туртмингдан ортиқ ўсимликлар дунёсини, дарё ва кўлларидаги зилол сувларини, олма-ю, ноқлари ҳақида завқланиб ёзади. Худудда мавжуд барча наботот ва ҳайвонот дунёси Тожикистон табиатининг таркибий қисми, тожиқ халқининг туганмас табиий бойлиги.

Шеърӣни ўқиймиз:

Соғинсам, дам, нафас гуёҳ, гул, лола Яйлов ҳам қўй-қўзи тоғлар кутади. Қирларнинг қифтида чўлласам, магар. Олма, нок лабимга шарбат тутади. Табиат, мен ҳам сен, ҳатто, ген, нўстим Тожиқ халқ ўзбеги, ўзимман дўстим.

Помир тоғида жойлашган Федченко музлиги табиатнинг улў мўжизаси. Музликнинг узунлиги 77,4 километр, майдони 824 километр квадрат, музнинг қалинлиги ўрта қисмида 1000 метрдан зиёд. Бу музликнинг пайдо бўлиши ҳам табиатнинг неъмат, инсон табиат кучлари олдида ожиз, уларни кўриб фақат ҳайратланади холос. Қиссага киритилган “Федченко музлиги” шеърӣни ўқиб кўрамыз:

Ҳайратлар нимаси, ҳаяжон, олов Низоғим устида ўсаталлаб қош. Уйнадим, ўйладим: “Тяньшан тоғнинг Тўганмас бойлиги юрак, кўз ҳам ёш” Федченко музлиги.

Давлатлар чегараси турли замонларда гоҳ кенгайиб, гоҳ тарайиб турган. Мамлакатнинг ривожланиши, ундаги яшайтган халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, маданиятининг ривожланиши ва фаннинг тараққиёти, қолаверса кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабати кўп жиҳатдан раҳбариятга боғлиқ. Хушбоқ Раҳим файласуф олим бўлгани учун ушбу фикрлардан узоқлашмаган ҳолда “Президент” номли шеърӣни ёзди. Уни ўқиймиз:

Икки минг ўн саққиз март, баҳор, Наврўз Бедор юрагимда беўлчов кенглик. Мозийдан бовужуд Қозоқ ҳам Қирғиз, Тожиқ ҳам Ўзбекда янги кун, тенглик. Оммага меҳрини сонди, Президент, Дарвоза, қуфларни очди Президент. Шоир, ушбу мисраларида Ўрта Осиёда жойлашган қозоқ, қирғиз, тожиқ ва ўзбек миллатларининг дўстлиги мустаҳкамланганидан, бу дўстликда раҳбарларнинг ҳиссаси катта эканлигини юксак баҳолайди.

Муҳтарам Юртбошимиз Ш.Мирзиёев 2018 йилдаги Ўзбекистон халқига Наврўз табриғида “Наврўз умумбашарӣ ахамиятга эга байрам. Унинг моҳиятида мужассам бўлган гуманистик гоёлар, миллати, тили ва динидан қатъий назар, Ер юзидидаги барча пок ниятли инсонлар учун бирдек тушунарли ва қадрлидир”, деган ёди.

Зардўшт, бундан уч минг йиллар бурун ўтган бўлсада, ўзининг “Авесто” китоби орқали Осиё халқлари мафқурасига асос солган буюк аллома. “Авесто”да илгари сурилган гоёлардан бири яккахудилиқдир.



Бутун дунёдаги барча одамлар қайси ирқдан, миллатдан, уруғдан бўлмасин, ер юзининг қайси ҳудуди ё гўшасида яшамасин, улар ёлғиз ва ягона Аллоҳга итоат қилишади. Зардўштнинг ҳайкали Душанбедаги меҳмонхоналардан бирининг олдида ўрнатилганидан шоир ҳайратга тушади ва буни таълим-тарбия жараёнига алоқадар кашфиёт, деб баҳолайди. Шоирнинг “Авесто” номли шеърӣни ўқиймиз:

Уч минг йил илгарии шонч, эътиқод Қабил динлари авжида турди. Бирлик, тинчлик, дўстлик, бирдан бир гоё Яккахудиликни илари сурди.

Авесто.

Шоирнинг ҳар бир сўзи залворли, ҳар бир мисрасида катта юк бор. Ушбу шеърӣ қасидада нафақат Тожикистоннинг табиати, тарихи қаламга олинган, балки тожиқ халқи орасидан етишиб чиққан раҳбар, шоир, олим, бир сўз билан айтганда барча касб эгаларининг улуглари қаламга олинган.

Президент бир томондан тилнинг қурлиш материали сўз, от, яъни муайян мамлакатда маълум муддатга сайлаб қўйилган раҳбари лавозимининг номи. Иккинчи томондан у тушунча. Тушунчага умумийлик хос. Демократизми, республика бошқаруви шаклидаги мамлакатлардан ҳар бирининг ўз халқи томонидан сайлаб қўйилган давлат бошлиғи, яъни президенти бор. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмондир. Шоир Хушбоқ Раҳимнинг беш қисмдан иборат “Миллат пешвоси” шеърӣ Тожикистон Президентига бағишланган. Ундан ўқиймиз:

Йўли равои, зиёдан тез, дарё, сой Дарадан дарада каллик титган тош. Тоғлардан юракда беиймон туйғу Мени мафтун этган булбул ҳам кўёш Тафаккур султони, бетин Президент. Помир қоясидан метин Президент.

143,1 минг км² Тожикистон ҳудуди 93 фоизи тоғли майдон. Лекин йўллари равои. Кетма-кет кенг ва беҳавф туннеллар. Оғир юкли ва энгил автоуловлар турна қатор, тезлиги зиёдан тез дарё, сой мисоли манзили томон шошади. Булардан ҳаммаси тафаккурнинг қудратига бориб тақалади. Тафаккур эса башар фарзанди миясининг энг муҳим ўзига хос хусусияти. У маънавий ҳодиса. Маънавият моддият томонидан белгиланади. Бироқ у нисбий мустақилликка эга, ўрни келганда моддиятни орқада қолдириб, ишлаб чиқарувчи куч элементларидан бирига айланиб кетади. Нознеъматларни кўпайтиради. Президент шундай куч, яъни тафаккурнинг султони. У халқи манфаати йўлида бетиндир, амалий ишлари Помир қоясидай метиндир. Бундан 25 йил бурун кўп йиллик оғир ва аламли фуқаролар урушига чек қўйгани учун Тожикистон Республикаси Қаҳрамони бўлган зот ҳам Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон эди. Шоир Хушбоқ Раҳим шундай ёзган:

Эсини биландан миллийликка ўч Тил ҳам тарихини қамчидай ўрган. Анбиё, авлиё эмас, лекин у Юз ишдан нарини бехато кўрган Эмомали Раҳмон!

Юз йилдан нарини бехато кўра олиш, фаол ҳаракат қилиш, объектга таъсирини ўтказиш, уни мақсадга мувофиқ ўзгартириш учун индивид, яъни субъект мавжуд қонунларини беш бармоғи мисоли билан ва уларга бенуқсон амал қилган бўлмоғи шарт. Исталган қобилиятли киши ҳам бе-

қонун юз йил нарини эмас, ҳатто субғи қозиб (ёлғон тонг) билан субғи содиқ (чин тонг) ўртасидаги айирмани англамаслиги аниқ. Демак, миллат пешвоси Эмомали Раҳмон бошқалардан табиат, жамият, инсон ва унинг онгига тааллуқли қонунлар билан қуролланган томонлари билан кескин тафовутланади. У субъект сифатида объект(кўпчилики)га таъсирини ўтказди, кўп йиллик, оғир фуқаролар урушига чек қўйди, Тожикистон Республикаси мустақиллик кунини эълон қилди. Ниҳоят, жафокаш тожиқ халқи фаол халоскор Эмомали Раҳмонни ўзларига Президент этиб сайлашди.

Шу юксак лавозим, шу тарихий кун агар таъбир жоиз бўлса, тожиқ халқи учун уни объектга айлантирди. Президент сўзи сўз, дастуриламал, методология. Шоир Хушбоқ Раҳим ўшал ҳақиқатни шундай қайд қилган:

Қонундан қонун кўп, қайсар юрагим Қайрилмас қудратдай аниқ йўланма. Ҳодиса ўтқинчи, лексин ҳар лаҳза Катта ҳам кичикка шиоич, қўлланма Президент сўзи!

Шоир Хушбоқ Раҳим Президент сўз, қарор, фармонларини қайрилмас қудратга қиёс қилади. Қайрилмас қудрат бу вақтдир. Вақт осмон жисмлари қонуний ҳаракати оқибати. У ҳеч кимнинг истақ-хоҳишига боғлиқ эмас. Ҳодисалар вақтда юз беради, одамлар вақтда яшайдилар, исталган бойлик вақтда яратилади, жаҳондаги жами қишлоқ, шаҳар, жумладан Душанбе ҳам вақтда барқарор ва бетакрор. Шоир Хушбоқ Раҳим уни ипакка, дўппига, дебога, гўзалдан энг гўзал зебога ўхшатади. Шоирнинг саққиз қисмдан иборат “Душанбе” шеърӣдан ўқиймиз:

Табассум, тилдан бол томган санам Дунё, ҳикмат ҳаммаица етади. Дўстлик тунча, дийдор шунча, тонгача Шеър айтмасам жоним чиқиб кетади. Ипак, дўппи, дўтор, дебо Душанбе! Гўзалдан энг гўзал, зебо Душанбе!

Дўстликнинг шакли кўп. Қанақалигидан қатъий назар у ижтимоий-ахлоқий ҳам психологик тушунча. Дўстлик энг аввало ўзаро ҳурмат, ёқтириш, бир-бирини қувур ва ҳар томонлама англаш, тушунишга асосланади. У қон-қариндошлик, ўртоқлик, биродарлик тушунчаларига яқин. Бироқ тенг эмас. Дўстлик улардан ўзига хос айримлиги, танлаш ихтиёрийлиги ва ҳис-туйғулари даражаси билан тафовутланади. Дўстлик индивиднинг ёши, касб-ҳунари, дунёқараш билан ҳам боғлиқ кетади. Унинг моҳияти ижтимоий-ахлоқий муҳит ва кишилар турмуш тарзида. Турмуш тарзи эса ҳар бир киши, ижтимоий жамоа, элат, миллат ёки давлатнинг кундалик ҳаёт жараёнини ифодаловчи тушунча. Ўзбек ва тожиқ халқларининг бўш вақти, яъни турмушида қанчадан қанча уйин-кулги, урф-одат, анъана ва маросимлар мавжуд. Улардан бири тўйидир. Тўйнинг турлари кўп. Улардан энг муҳими хатна тўйидир. Хатна тўйи тарихи ҳақида гаплар ортиқча. Бироқ у Ўрта осиеликларда бекўпкари, бекураш, бепойғасиз ўтказилмаган. Унда бақовул бош-қош. Бақовулнинг ҳурмат-эътибори жуда юқори бўлган. Унга меҳмон-меҳзон, катта-кичик бўйсунган. Шоир Хушбоқ Раҳим “Бетакрор тўй” шеърӣда шунга эътибор қаратган:

Юз бор ёзмай дейман, ёзгим келадди Қассоб неча буқа, неча қўй сўйди. Курашда бақовул ўйлаб ўтирмай Тўйча онасини совринга қўйди.



Ғолиб полвон кампирни ёш гўдақдай кўлларида кўтарганча давра айланди. Она-жон, деди. Аввал ўқсиниб-ўқсиниб, кейин ҳўрсиниб-ҳўрсиниб, ниҳоят девонадай додлаб-додлаб, эзилиб-эзилиб йиғлади. Полвонга даврадагилар қўшилиди. Дийдаси тошдай қаттиқлар ҳам ташқи таъсирлардан сим-сим эриб, симбога айланди. Шоир Хушбоқ Раҳим ҳам:

Юз бор ёзмай дейман, ёзгим келадди Майдон, кураш, полвон, кўзимда кунча. Тўйлар шарофати, беқўним ҳаёт Одамда онага эҳтиром шунча.

Она оламдан бой. Унинг меҳри ёнида тожу тахт, гавҳару ганж, зару зархарид ҳеч нима. Лекин беш панжа баравар эмас. Биров она меҳрига зор, биров онали, онали полвонларнинг ўзаро талашгани ор. Уят ўлимдан оғир. Шоир Хушбоқ Раҳим ёзган:

Юз бор ёзмай дейман, ёзгим келадди Бақовул ган-сўзда илгари кетди. Она, она учун Култөпа қишлоқ Бор-йўғин полвонга бахшида этди.

Онанинг бадали учун култөпалик қариндош-уруғ, куда-анда, яқин-йирок, дўст-одусти томонидан тўпланган бойлик, беҳисоб бўлди. Биров туя, биров бия, биров сигир, биров буқа, биров тўн, биров той, биров қўй, биров қўчқор. Ҳаммининг нигоҳи бақовул билан ғолиб полвонда. Полвон эса букчайган кампирдан йиғидан қизариб кетган кўзларини узмайди, она, бари бир онада! Шу топда кўп сонли ҳалойиқнинг ҳаёлига ҳам келмаган ажойиб ҳодиса юз берди. Шоир Хушбоқ Раҳим ҳодисани шундай хатлаган:

Юз бор ёзмай дейман, ёзгим келадди Полвоннинг ҳиммати осмонга етди. Тушунини кампирга тошиғич, ғолиб Бир тоини етлаб Қўқтошга кетди.

Тўй, ундаги урф-одат, олди-берди, уйин-кулги, кураш, кўпкари ва бошқалар ижтимоий ҳодиса. Ҳодиса эса ҳеч қачон бемоҳият бўлмайди. Юқоридиқларнинг моҳияти бирлик, ҳалоллик, мардлик, тантлики, инсоф ва дўстлиқдир. Полвонлик эса узлуқсиз меҳнат, эпчиллик, маҳорат ва кўникма оқибати. Шоир Хушбоқ Раҳим ёзади:

Юз бор ёзмай дейман, ёзгим келадди Полвон чайир, полвон суж, лўст экан. Тўй баҳона биддим, азал-азалдан Ўзбек, Тожиқ қиёматли дўст экан!

Ҳар бир асарнинг куч-қувватини, ҳақиқий қимматини белгилайдиган асосий меҳмонлардан бири-ўқувчиларини ҳаяжонга сола олишидир. Хушбоқ Раҳим нафақат математик, файласуф, балки инсоният тарихидан хабардор шоирлардан. Фикримизни унинг Зардўшт, Искандардан тортиб, то Мирзо Турсунзода, Бобожон Фафуровгача бўлган тарихий ҳайратномаларда нисбатан теши тегмаган гапларни топиб айтгани исботлайди.

Шоирнинг ушбу асарига юздан ортиқ шеърлари киритилган бўлиб, 500 га яқин изохлар келтирилган. Улар тарихий далиллар тўғрилигини тасдиқлайди. Хушбоқ Раҳимнинг “Тожиқ дўстим, ўзбекингман” шеърӣ қасидаси кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, бу асар ўзбек-тожиқ дўстлигининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Яқинда ижодкор кўп йиллик самарали ижодий фаолияти учун давлатимиз раҳбари томонидан “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Ниятимиз дўстликни улуглаш, уни асраб-авайлашга даъват этиш билан бир қаторда шоир Хушбоқ Раҳимнинг дўстлик куйчиси эканлигини ҳам эътироф этишдир.

Абдихолик АХМАДОВ,
меҳнат фахрийси

” Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

БҮЮКЛАР ҲАМИША БҮЮК

Буюк шахсларнинг тиригида ҳам, ўлигида ҳам ороми йўқ.

(Юнон ҳикмати)

Александр Македонский Ҳиндистон урушидан қайтаётганида йўлда қадим Вавилон шаҳрида дам олиш учун тўхтаган. Узоқ вақт урушларда юрган лашкарларнинг ҳам, навкарларнинг ҳам тинкаси қуриган эди. Бу ерда буюк жаҳонгирнинг урушдаги улкан ғалабаси шарафига жуда катта зиёфатлар уюштирилган. Македонский шу орада бетобланиб қолиб, Вавилон шаҳрида вафот этганида эндигина 32 ёшни қаршилаган эди.

Айтишларича, у ўзини Қоҳирага дафн этиш ҳақида васият қилган экан. Унинг жасади бузилмаслиги учун олтиндан ишланган идиш ичига асал тўлдирилган ҳолда Вавилондан жасади Қоҳирага олиб боришда икки йил вақт ўтган. Манбаларда унинг жасади ўлиши биланоқ мисрликлар томонидан балъам қилинган дейилади. Олдинга унинг жасади Александрнинг яқин лашкарбошиларидан бири, бўлажак ҳукмдор Птолемей I томонидан Вавилондан Мисрнинг Мемфис эҳромига олиб келинган ва шу ерда дафн этилган.

Аммо эрамаздан аввалги 280 йилда унинг қабри бу ердан Александрия шаҳрига олиб кетилган ва шу ерда мавзолейга қўйилган. Мавзолейни Александрнинг ишонган лашкарбошиси Птолемей курдирган.

Айтишларича, Рим императори Август Клеопатра ўлганидан кейин бу ерда бўлган ва Александр қабрига ҳам гулчамбар қўйган. Александр Македонскийнинг қабри қаерда эканлиги ҳалигача топилмаган бўлса-да, қадим Мисрда ва Александрия шаҳрида унча ва ундан кейин ўтган деярли барча улуг кишиларнинг қабрлари қаерда жойлашгани ҳаммага ойнадек равшан.

Кейинчалик унинг жасади олтин саркофагдан ишланган тошга ўтказилган... Тарихий манбаларда битилишича, унинг қабрига жуда кўп ҳукмдорлар, императорлар ташириб буюришган. Аммо кейинчалик унинг қабри умуман йўқолган, қабр қаерда эканлиги ҳамон олимларни ўйлантирадиган, ҳозир ҳам изланаётган масала саналади. Соҳа олимлари ҳали ҳам ҳеч иккиланмай излашни давом эттирмақдалар. Мабодо унинг қабри топилгудек бўлса, бу шубҳасиз жаҳоншу-

кимдир тиф касалидан ўлган деган фикрларни илгари суради. Яна кимдир ўлими олтидан урушда олган жароҳати туфайли кўзлари кўр бўлиб қолганини ҳам битган. Шунингдек, унинг лашкарбошиси, хотинларидан бири, акаси томонидан заҳарланган деган фикрлар ҳам бор.

Чингизхон, чамаси, юнонларнинг мақоламига эпиграф қилиб келтирилган ибратли фалсафасини билган бўлса керак. Айтишларича у ўлсам, жасадимни кўмиб, устидан минглаб тулпорлар билан бостириб ўтинлар, токи эгим ва суюқларим ер билан қоришиб кетсинки, ўлимидан сўнг мени мутлақо безовта қилмасинлар, деб васият қилган экан.

Бошқа бир ривоятда келтирилишича, Чингизхоннинг жасадини оқиб турган дарёнинг ўзини ўзгартириб, унинг остига кўмишган, кейин эса дарёни яна ўз оқимида қўйиб юборишган, шу йўл билан жасадини муҳофаза қилишган эмшлар...

Минг афсус...

Монголия ҳукумати Япон олимларига Чингизхоннинг қабрини топиб беришга ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилишган, олимлар эса бу ишга росманасига киришиб, ахирги тахминан Чингизхон кўмилган ҳудудни топиб беришларидан кейин шу ернинг ўзида улкан монумент ўрнатилган. Айтишларича жасади кўмилган деб тахмин қилинган ҳудуд тупроғи ҳам бутунлай элакдан ўтказилган экан.

1941 йилнинг 22 июнида Амир Темур мақбарасида Амир Темур, Шохрух мирзо, Улуғбек мирзо ва бошқа теурийзодаларнинг қабрлари илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида очилади. Бу тадбирга Садриддин Айний, Қори Ниёзий каби етук олимлар ҳам жалб қилинади.



мул воқеа бўлган бўлур эди. Айтишларича, Грециянинг Вергина шаҳрида Александр Македонскийнинг отаси Филипп II га атаб қурилган мақбара ҳали - ҳамон бус - бутунлигича турибди. Аммо отаси оддий ҳукмдор, Александрнинг пешонасига эса буюклик битилган эди.

Александр Македонскийнинг қабри Венециядаги Авлиё Марк ибодатхонасида бўлса керак деган фикрлар ҳам бор, аммо ибодатхонада археологик қазимша ишлари олиб бориш мутлақо тақиқланган.

Ҳозиргача ҳам унинг вафот этгани сабаблари ҳақида турли фикрлар, миш-миш ва уйдирмалар юради. Кимдир уни заҳарлангани, кимдир ҳаддан ташқари ичкиликбозлик туфайли жигар азоби билан, яна

рамзий қабрлар олдида бўлиши кўзда тутилган.

1506 йилнинг кеч кузида Султон Хусайн мирзо Шайбонийхон ҳужумига қарши лашкар тортиб, Боботоғ мавзесига келиб тушди-ю, ҳали душман билан юзма-юз бўлмаи юрак хуружидан вафот этди. Душман ҳужум қилиб келатган, сарҳадларни ҳимоялашга чиқилган бўлиб, ўша ёгин-сочинли кунларда Султон Хусайн мирзони шу ернинг ўзида дафн этишди, орадан бешолти ой ўтиб, кейин Ҳирот шаҳрига олиб келиб кўмилади.

Бобур мирзо 1530 йилнинг 26 декабрида Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Кейинчалик эса ўз васиятига кўра Кобул шаҳридаги Боги Бобурий қабристонига олиб келиб, қайта дафн этилган эди.

Самарқандда Регистон майдонида Шайбонийхонлар хилхонаси бўлиб, тарихий манбаларда Шайбонийхоннинг калласи бошидан жудо қилиниб, Эрон шоҳи Шох Исмоил Сафавий томонидан унинг бош суюғидан қадаҳ тайёрлаб, унда шароб қуйиб ичгани ҳақида ёзилган. Ҳақиқатда ҳам XIX асрда мазкур мақбара очиб ўрганилганда, унинг танаси бошидан жудо бўлган ҳолда кўмилгани исботланган.

Шайбонийхонлардан бўлган Убайдуллахон тинч бўлсин, ҳар кимнинг назари тушавермасин деб ўзини улуг пири, устози Хожа Мир Арабининг пойи остида кўмишни васият қилганига асосан уни мақбарага кўмишга қарор қиладилар. Кейинчалик унинг қабри очиб ўрганилганда, унинг танаси бошидан жудо қилинган ҳолда кўмилгани исботланган.

Бутун Европани забт этган улуг жаҳонгир Наполеон 1821 йилда Муқаддас Елена оролида, 52 ёшида вафот этади. Мазкур орол Атлантика океани ичкарида бўлиб, Африка материгидан ҳам 2,0 минг километр узоқ масофада жойлашган, Буюк Британияга қарашли орол бўлган. Унинг қабри устида "Генерал Банопарт" деган ёзув ёзиб қўйилди. Орадан 19 йил ўтиб, ўзининг васиятига кўра Парижда, Сена дарёси бўйида "Ногиронлар майдони"да, алоҳида хилхонада қайта дафн этилган. Аммо Парижда ҳам уни ҳозирги абадий кўним топган жойида дафн этишгунича ҳам, унинг жойини икки бора ўзгартиришган. Ҳозир бу жой сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган манзиллардан биридир.

Ленин Қизил майдонда мавзолейда дафн этилган, аммо унинг жасади ерга топирилмасдан, мўмиёланган ҳолида саркофагда, фуқаролар зиёрат қилишлари учун алоҳида залда сақланади. Мазкур мавзолей бир эмас, уч қарра қайта-қайта бузилиб, янгидан қурилган. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Лениннинг жасади Тюмень шаҳридаги Кишлоқ ҳўжалиги академияси биноси бош корпусига сақланган. У ергача поезд вагонига солиниб, тортиб борилган. Эҳтимол яна бир кун келиб уни дафн этиш ҳам керакдир.

Ўзбек халқининг атоқли ёвчиси, юртимизда илк бора романнавислики бошлаб берган улуг ижодкор Абдулла Қодирий қабри қаерда эканлиги ҳеч кимга аён эмас. Сталин қатағони йиллари отиб ташланган буюк ёзувчининг жасади ўтда ёқилганми, махсус куйдирилганми, сувга оқизилганми, кўмиб ташланганми маълум эмас ва энди у абадий шундай мавҳумлигича қолаверди.

Иосиф Сталин қабри Москва шаҳри, Қизил майдонда дафн этилган. Илгари у Ленин билан бирга ёнмаён мавзолейда жойлаштирилган, кейинчалик Ҳрушчев сиёсати туфайли мавзолейдан чиқарилиб, қайта кўмилган. Унинг қабри ҳам безовта қилинган. Унинг қабри устида ўрнатилган бюст ҳайкалтароши, Сталинга атаб қўйилган бюстга ўзига хос антиқа бир ҳолатни ташириб кетганини кўпчилик билавермас керак. Бюстнинг ўнг томони кўзи четидан

бир томчи кўз ёшини қадаб қўйганини мен ўз кўзим билан кўриб, ҳайратланганман. Ушанда ҳайкалтарошнинг ижодкорлигига ва кўрқмаганига қойил қолганман. Сталиндек шунча йиллар улкан салтанатни бошқарган, кейинчалик қонхўр ва жаллод ҳукмдор сифатида ланъатланган шахс кўз ёши билан акс эттирилган. Айтишларича бошида бу ҳолат ош-

пасаитириш жуда қимматга тушиши мумкин. Зудлик билан ички ишлар ходимларини бориб шу ерда халқни ҳаммасини бир жойга тўплашини, алоқа бўлимига эса овоз қучайтиргич аппаратларини олиб бориб ўрнатишини айтдим ва ўзим бир соатдан кейин етиб боришимни тайинладим.

Йиғилишга борсам, жуда кўп

қолса, унинг оху ноласи бутун оламни тутди. Аслида, қабр кўчирилибди деган гапдан сизлар кўрқиб, безовталаниб, ундан нимадир илоҳий нарсани кутшингизга ўрин йўқ. Ахир Амир Темур, Шохрух мирзо, Улуғбек мирзо, Хусайн Бойқаро, Бобур мирзо, Банопарт Наполеон, Иосиф Сталин, Шароф Рашидовнинг ҳам қабрлари очилганидан сизлар-



кор этилмаган, Ҳрушчев вафотидан сўнг бу ҳақиқат ҳаммага ошқор бўлиб кетган. Сталин бюсти ҳеч кимга тикилмаган ҳолда, гамгин, қанақадир афсус, безовталиқ, норозилиқ ва шунга ўхшаш ҳолатларда акс эттирилган. Ҳайкалтарош бунда айнан нимани кўзда тутган билмадим, аммо нима бўлганда ҳам тарихий воқеилик шундан иборат.

Ўзбекистон собиқ коммунистик партияси биринчи қотиби, амалда узоқ йиллар Республика биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Шароф Рашидов 1983 йилнинг 31 октябрида вафот этади. Олдинги уни Тошкент шаҳрининг қоқ марказидаги ҳозирги Тарих музейи рўпарасидаги майдонга дафн этишди. Бу музей ўша йиллари марказий Ленин музейи филиали сифатида фаолият юритар, бу жой шаҳарнинг энг нуфузли майдони саналарди. Кейинчалик Шароф Рашидовнинг хоки ими-жимиди Тошкент шаҳридаги Чигатоӣ қабристонига кўчирилган.

Яна бунақа буюк шахсларнинг қабрлари очилган ва кўчирилган жуда кўп далилларни келтириш мумкин... Аммо барибир хулоса битта. Улуғ инсонларнинг тириклигида тинчи, ҳаловати бўлмаганидек, вафотидан кейин ҳам авлодлар уларнинг ҳаёти ва фаолиятига қайта-қайта мурожаат қилаверадилар, уларнинг амалга оширган эзгу амалларидан намуна оладилар, ўрганадилар, халотларидан эса сабоқ чиқарадилар. Буюк инсонлар қисматиға ёзилгани шу. Зеро, инсон хотираси абадий қолгусидир...

Шу фикрларни битар эканман, Ромитан туманида ҳоким бўлиб ишлаб юрган йилларим шаҳарга кириб келувчи йўлни кенгайтириш ва уни тўғрилаб қўйиш учун бир қабристоннинг катта йўл бўйлаб бўртиб чиққан эски деворини бузиб, тўғрилаб чиқариш лозим бўлиб қолди. Шунда анчагина эски қабрларни бузиб, кўчиришга тўғри келган. Далада юрсам, менга зудлик билан қабристонга етиб боришим кераклиги, бу ерда халқ норози бўлиб, қабрларни кўчирмасликини, улар ҳоким билан учрашишни сўрашаётганлигини айтишди. Уйланиб қолдим, халқ билан ҳазиллашиб бўлмайдим. Агар бу иш алангаланиб кетса, кейин уни

одамлар тўпланган, аммо уларнинг хатти-ҳаракатидан, менга берилган ахборотдан улар билан ҳозир мулоқот қилиб ўтиришнинг ҳеч ҳам ўрни эмас. Аммо масалага ойдинлик киритиш керак, уларни тинчи-тиш ва ўз нутқини назаримни етказишим зарур эди. Бошқача йўли ҳам йўқ эди. Бошланган ишларни, албатта, охирига етказиш, агар шундай қилинмаса, ҳокимликнинг обрўси бўлмаслигини, унда шу масалага тааллуқли бошқа ишларни бажаришда яна янги муаммолар пайдо бўлишини сезганим туфайли бу масалага вақтида нукта қўйишим лозим эди. Мен халқ билан учрашиб, фикрларимни билдирдим:

— Мен туманнинг биринчи даражали расмий кишисиман. Мен бу ерга ўз ихтиёрим билан келдим. Мабодо, кимдир мен билан мулоқот қилиш истаги ёки қанақадир саволи бўлса, фуқароларни қабул қилишим учун кабинетим бор. Хоҳлаган фуқаро бориб, мен билан учрашиши мумкин, аммо бугун меннинг сизларга айтганидан бир неча фикрларим бор ва шунда сизлар ҳам мени тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Биринчидан, кейинги 10 йил ичида шу ерда бўлган йўл ҳаракати ҳодисаларини санаб, улардан нечтаси вафот этгани ва нечтаси ногирон бўлиб қолганини айтдим. Мабодо, шу ҳолат давом этишини хоҳласангиз, бу иш — хато, деб айтинг. Аммо Худонинг ўзи асрасин, шу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси шу кўнадан ўтади, кимдир ўша ногирон бўлиб қолганлар даражасига тушиб қолмаслигига қафолат йўқлигини биллиб олинглар. Сиз кўчирилган қабр учун розилик берсангиз бас, туман ободонлаштириш ва диний идоранинг масъул ходимлари бу расм — русумларни ўзлари амалга оширишади. Ҳар бир кўчирилган қабр учун алоҳида сағана қуриб беришни туман ҳокимлиги ўз бўйнига олади. Аммо эртага биз девор чиқарганимиздан кейин эски қабрга-ча бориш ҳам муаммо бўлиб қолиши мумкин. Энди қабр кўчирилди дегани, бу фалокат юз берди дегани эмас, энди улар чин дунёга кетиб бўлишган. Аммо тирик инсоннинг лоақал биттаси ногирон бўлиб

нинг хабарларингиз бор-ку. Ёки сизларга бу дунёдан ўтиб кетган ва қабрлари бир эмас, бир неча бор очилган яна қанча-қанча буюқларнинг номларини келтирайми?! Ихтиёр ўзларингизда, мен бу масалада сизлар билан бошқа мулоқот қилмайман, аммо ҳар бирингиз ақл ва фаҳм-фаросат билан иш тутасиз деган умиддаман. Мен келажақда сизнинг набиранингиз шу кўнадан эмин-эркин, кўрқмасдан, ҳайқмасдан ва безовта бўлмасдан богчаси ва мактабига қатнасин деган умиддаман. Ўтиб кетганларнинг тинч ётишини таъминлашни биз ўз зимманимизга олашим. Мен бу ерда ҳеч кимнинг саволини ҳам эшитмайман, унга жавоб ҳам бермайман. Мен бу ерга масалани муҳокама этишга эмас, сизларга ўз нуктаи назаримни етказишга келганман. Кимдир меннинг фикрим билан рози бўлар, кимдир эса йўқ. Аммо сизларнинг яна бир бор ўйлаб кўрмоқликларингиз учун ҳали имкон бор...

Шу билан мен йиғилишни тугатдим. Эртасига эрталаб сахарда далага чиқиб келаётганимда, қани, улар нима қилишди экан, деган фикр билан шу йўлдан ўтдим. Саҳардан одамлар кўп-кўплашиб қабрларни кўчираётганларини кўрдим ва юритган сиёсатимиз тўғри бўлганига ишонч ҳосил қилдим.

Жуда кўп қабристонларда иш бошланганидан олдин мулла қақиртириб, диний расм-русумларини амалга ошириб, қўйлар сўйиб, худойлар қилиб, шу ишларни бошлаб юборганмииз. Жуда кўплаб қабристонларнинг йўллари ва деворларини тўғрилаб чиқариш мақсадида айрим қабрларни кўчиртиришга тўғри келган бўлса ҳам, тўғри муомала қилганимиз, тўғри тушунтирганимиз натижасида бу ишларни силлиққина бажаришга эришганмииз.

Ҳаёт давом этар экан, тириклар ва ўликлар ўртасига девор тортиб бўлмайдим.

Мухаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерациясининг
Бухоро вилояти кенгаши
раиси, “Меҳнат шухрати”
ордени соҳиби.

” Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилади.

ДАРОМАД ҚИЛИШНИНГ ЭНГ ТУБАН ЙЎЛИДАН БОРГАНДИ

Инсон ҳаётда яшар экан, яхшиликка интилиб, ёмонликдан қайтиб яшашга ҳаракат қилади. Лекин “яхшилик” ва “ёмонлик” тушунчаларига ҳар ким ҳар хил таъриф беради. Ҳаёт эзгулик билан гўзал. Аммо баъзан эзгуликка ёвузлик кўланка солади.



“Аср вабоси” номини олган гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, онгини ўзига бўйсундирувчи захри қотилдир. Бу шундай қуролки, ўз домига илинтирган одамни разолат дунёсига етаклайди ва бу жараёнда инсон жамиятдаги ўрнини йўқота бошлаганини англамай қолади. Навойлик (исм-фамилиялар ўзгартirilган) А.Ҳамроқулов ҳам захри қотилни “бизнес”га айлантirdи. Бу орқали мўмай пул орттириш мақсадида эндигина 24 ёшга тўлган бу навқирон кўза кунда эмас, кунда синишири билса-да, ўзининг манфур мақсадида қайтмади. У Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани “Чаманбоғ” кўчасида жойлашган Каланова оқар суви олдида пиёдалар йўла-

гида ҳаракатланиб келаётган вақтда, шу ерда хизмат ўтаётган Олмазор тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жиноят қидирув бўлими ходимлари эътиборини тортади. Шу ернинг ўзиде А.Ҳамроқулов тўхталиб, ҳолислар иштирокида текширилганда шимининг ўнг олди чўнтагидан 5 дона, усти кийимининг чап томон чўнтагидан 15 дона ва ўнг томон ички чўнтагидан 8 дона, жами 28 дона сариқ рангли изолентага ўралган гиёҳванд моддаларни келгусида бир неча харидорларга сотиш йўли билан ўтказиш мақсадида овлоқ жойларга кўмиш учун сақлаб келаётгани аниқланади. Бундан ташқари, шу вақтнинг ўзиде А.Ҳамроқуловнинг қўл телефо-

ни кўздан кечирилганида, шу каби изолентага ўралган гиёҳванд воситаларининг 2 донасини ерга кўмиб қўйгани аниқланиб, ҳолислар иштирокида ўша ердан баённома асосида расмийлаштириб олинган. Судда сўроқ қилинган А.Ҳамроқулов эълон қилинган айбловга қисман иқrorлигини билдириб, ўз кўрсатувида,

анча вақтдан буён мефедрон гиёҳванд моддасини истеъмол қилиб келгани, гиёҳванд моддаларни телеграмм ижтимоий тармоғи орқали сотиб олгани, судланувчи А.Ҳамроқуловнинг судир қилинган жиноятдаги айби, унинг ўз айбига қисман иқrorлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрса-

тувлари, билдирги, нарсани олиш, нарсани кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса судир бўлган жойда текшириш, юзлаштириш баённомалари, суд кимёвий экспертизаси ҳулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа асосли далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган. Судланувчи А.Ҳамроқуловнинг жиноий ҳаракатлари

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми, яъни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тир бириктириб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини сотиш аломати билан тўғри квалификация қилинган.

Суд судланувчи А.Ҳамроқуловга жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқror бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, ёшлигини, оилавий шароити оғирлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, юқорида кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўлаган ҳолда, қонун санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб, ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси-

нинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига амал қилиб, судланувчи А.Ҳамроқулов Жиноят кодексининг 25, 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни судир қилганликда айбли деб топилиб, унга 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳаёт деган катта уммоннинг ўпқонлари, тўфонлари, бўронлари кўп. Кимдир бу тўфонлардан ақл билан омон қолса, кимдир бу ўпқонлар ўз домига тортади. Ҳаётнинг қонуни шундай: кучлилар, иродалилар тўғри йўлни танлайди, қоқилса ҳам йиқилмайди. Тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлаганлар эса ҳаётнинг барча неъматларидан бебахра қолиши аниқ. А.Ҳамроқулов ҳам тўғри йўлдан бормасдан, ҳаётининг умрининг навқирон даврини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Хулоса эса шундай, қилмиш-қидирмиш.

А.САИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг раиси

ХАЗОН БЎЛГАН УМРЛАР...

Эркаклар ўртасида суицид: сабаблар, муаммолар ва ечимлар

Ўз жонига қасд қилиш (суицид) — бу жамият олдидаги энг оғир ижтимоий ва руҳий муаммолардан бири. Дунё бўйлаб ҳар йили миллионлаб инсонлар ушбу муаммога дуч келишади ва айниқса, эркаклар ўртасида суицид кўрсаткичлари аёлларга нисбатан юқорирак эканлиги кузатилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, суицид ҳолатлари ҳар йили 700 мингга яқин инсоннинг ҳаётини олиб кетади. Бунинг катта қисми эркаклар ҳиссасига тўғри келади. Масалан, дунёнинг кўплаб мамлакатларида эркаклар ўртасида суицид даражаси аёлларга нисбатан 2-4 баравар юқори. Ўзбекистонда суицид ҳолатлари расмий маълумотлар орқали камроқ ёритилса-да, бу муаммо мавжудлиги сир эмас. Ижтимоий ва маданий омиллар туфайли, эркаклар суицид ҳақида сукут сақлайдилар ёки руҳий қийинчиликлари ҳақида ёрдам сўрашдан тийилдилар.

Сўнгги ўн йилликлар ичида дунёда ўз жонига қасд қилиш статистикаси аста-секин, аммо барқарор равишда камайиб бормоқ-

да. Шунга қарамай, кўпгина мамлакатларда ушбу муаммо долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзини ўлдиришга уринаётган эркаклар сони аёллар сонидан деярли уч баравар кўп.

Ўз жонига қасд қилиш, турли хатти-ҳаракатлар натижасида ўлиш ниятида ўзига зарар етказувчи омиллар натижасида келиб чиққан ўлим деб таърифланади. Ҳаётни ўз ихтиёри билан тарк этишга қарор қилган барча одамларда турли сабаблари ва касалликлар бормоғи айби ўтилади: оғир онкологик касалликлар, улкан иқтисодий юк, психологик муаммолар, жамиятдаги ижтимоий мослашувдаги қийинчиликлар ва ҳаётда ўз йўлини топа олмастик, ёлғизлик.

Ўз жонига қасд қилишнинг энг паст даражаси Ислом динини қабул қилган мамлакатлар (Саудия Арабистони, БАА,

Кувайт, Баҳрайн ва бошқалар), Жанубий Европа мамлакатлари (Италия, Испания, Греция)да кузатилади. Унинг ўртача даражаси Фарбий капиталистик мамлакатлар (АҚШ, Бенилюкс давлатлари, Франция), юқори даражада ривожланган Осиё мамлакатлари (Гонконг, Япония, Корея)да учраши кузатилган.

Шарқий Европа (Россия, Украина, Беларусь, Болтиқбўйи давлатлари, Скандинавия давлатлари (Норвегиядан ташқари)), шунингдек, Марказий Европа мамлакатларида (Германия, Швейцария, Австрия)да ўз жонига қасд қилиш юқори даражада учрайди.

2020 йилда 100 минг аҳоли сонига нисбатан ўз жонига қасд қилиш сони бўйича ТОП-10 мамлакат:

Литва — 31,9 киши
Болтиқ бўйи республикаси дунёда ўз жонига қасд қилишлар сони бўйича биринчи ўринни сақлаб қолган.

Россия Федерацияси — 31,0 киши
Ростатнинг расмий статистик маълумотларига кўра, ўтган йили Россияда 16 983 та ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилган. Бу 100 минг аҳолига 11,6 тани ташкил этади. Аммо бу маълумотларнинг ишончилигига ҳали ҳам катта шубҳалар мавжуд. Чунки статистик хато ичидаги ўлим бундай гайритабиий ҳолатдан камайиши мумкин эмас.

Гаяна — 29,2 киши
Корея — 26,9 киши
Ривожланган Корея мисоли шуни кўрсатадики, ушбу рўйхатга иқтисодий ривожланган ва турмуш даражаси юқори бўлган юқори технологияли мамлакатлар ҳам кириши мумкин.

Беларусь — 26,2 киши
Суринам — 22,8 киши
Қозғистон — 22,5 киши
Украина — 22,4 киши
Лесото — 21,2 киши
Латвия — 21,2 киши
Ушбу статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон 92 ўринда қайд этилган. Абсолют рақамларда ўз жонига қасд қилиш бўйича ТОП-10 давлатлар:

Хиндистон — 220 481 киши
Хитой — 138 482
АҚШ — 50 000 дан ортиқ
Россия — 45 178
Япония — 23 532



Нигерия — 18 608
Жанубий Корея — 13 765
Бразилия — 13 616
Франция — 11 503
Германия — 11 305

Сабаблар ва омиллар

— Ижтимоий босим ва гендер роллари Эркаклардан жамиятда “кучли”, “муаммоларни яқка ўзи ҳал қиладиган” инсон сифатида кўриниш кутилгани учун улар руҳий ёрдам сўрашга ёки ўз муаммоларини ошкор қилишга қийналадилар. Бу суицидга олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

— Руҳий саломатлик ва стресс Эркаклар кўпинча депрессия, кўркүв, ёлғизлик ва стрессни ўзига сақлайди. Бу ҳолат уларни ички қийинчиликларга юзмаюз қўяди ва ҳаётга бўлган қизиқишни йўқотиши мумкин.

— Молиявий қийинчиликлар Кўпинча эркаклар оилавий молиявий барқарорлик учун масъул ҳисобланади. Ишсизлик, қарз ёки иқтисодий инқироз каби ҳолатлар уларнинг ўзини қадрсиз ҳис қилишларига сабаб бўлади.

— Алкогол ва наркотик моддалар истеъмоли Руҳий қийинчиликларни енгил учун эркаклар кўпинча алкоголь ва наркотик моддаларга мурожаат қиладилар, бу эса вазиятни янада оғирлаштиради.

— Оилавий муаммолар ва ёлғизлик Оилавий ажралиш, ёлғиз қолиш ёки болалар билан алоқанинг узилиши эркакларда суицидга мойиллиқни кучайтиради.

Ечимлар ва чоралар

— Руҳий саломатлиқни қўллаб-қувватлаш

Эркакларнинг руҳий саломатлиқ муаммолари ҳақида очиқ гапириши учун шаро-

ит яратиш. Психологик ёрдам марказларини ташкил этиш ва уларга эркин кириш имкониятини таъминлаш.

— Жамиятда стереотипларни ўзгарттириш

Эркакларнинг ҳис-туйғуларини билдириши ва ёрдам сўраши нормал эканини жамиятга тушунтириш. Гендер стереотипларини бартараф қилиш бўйича таълим дастурларини жорий этиш.

— Ижтимоий ёрдам ва молиявий қўллаб-қувватлаш

Молиявий қийинчиликда қолган эркаклар учун махсус дастурлар яратиш. Ишсизлиқни камайтириш ва янги иш ўринлари яратиш орқали иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш.

— Руҳий таълим ва профилактика Мактаб ва университетларда руҳий саломатлиққа бағишланган таълим дастурларини ташкил этиш. Оммавий ахборот воситалари орқали суицид муаммоси ҳақида хабардорлиқни ошириш.

— Хотин-қизлар билан муносабатларни яхшилаш

Ажралиш ҳолатларида оилаларга психологик ёрдам бериш. Оиладаги муаммоларни ҳал этиш учун медиаторлик хизматларини ривожлантириш.

Эркаклар ўртасида суицид муаммоси кўп қиррали бўлиб, унинг ечими учун жамиятнинг барча қатламлари — давлат, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим. Эркакларнинг руҳий ва ижтимоий эҳтиёжларига эътибор бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳаёт сифатига таъсир этувчи омилларни камайтириш орқали ушбу муаммони бартараф этиш мумкин.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
журналист



Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига хосликни англаш туйғуси бирлаштирмакда ва бу туйғу тобора кучайиб бормокда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажакимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

КЎНГЛИМДА ОЙ, ҚУЁШ — МЕҲМОНИМ



Мухтарама Улугова 1952 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 2-ўрта мактабни “Олтин медаль” билан битирган. Сўнгра Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Мухтарама Улугованинг “Муҳаббатга тўймасман сира”, “Кунларнинг бағри кенг”, “Эй дилим” номли шеърий китоблари, “Муҳаббат саройида мангу қолганлар”, “Баҳор келди сени сўроқлаб” бадий-публицистик китоблари чоп этилган.

ВАТАННИ СЕВИШ ҲАҚИДА

Умринг қатра-қатра сингарми Далаларга, боллар, гулларга. Юрагингда йўқми тош-гина Итифотсиз кетган кулларга.

Қутламоққа етарми қудрат Ғолиб бўлса ҳар ким ўзиндан, Қочиб, қўриқиб юрганинг йўқми Кеча айтган ҳукминг, сўзиндан.

Бугун сени кимлар кечирган, Кимлар оқлаб, кимлар тушунган. Тик бормоққа бўларми ҳақинг Ҳўкми қаттиқ эртани кунга...

Етгайми жон фидойилигинг, Ўзлгиндан ғолиб яшагга? “Севаман” деб айтмоқлик осон, Осон ҳатто оддий нафасдан.

ФАРҒОНА

Тупроқни ўпмоққа эгилар мажнунтол, Орзусин тўсади қизганчиқ майсалар. Майсани эркалаб алдайди қув шамол, Қўллари тупроқнинг юзларин сийпалар. Нигоҳим бир дона оқ гулга бойланиб Анҳорда қалқийди ораста, ораста... Мажнунтол қўлидан ўтаркан айланиб Оқ гулим бағримдан узилар оҳиста, оҳиста. Тепада — чинорлар қаьрига Офтобми шўнгийди, билмайман. Отажон, қизганиб бос мени бағрингга, Бир келдим, Бу азиз тупроққа ҳеч қайтиб келмайман...

ДАРДЛАРИМ

Бу одамлар жуда қизик: дўстини ҳам Мақташмайди гурурлари тўлиб-тошиб. Бошқаларни олқишлаганса, ўзларини — Камситишдек ўтирарлар сўздан қочиб.

Бу одамлар жуда қизик: ёлғизликда Мақтайдилар устозим деб, паноҳим, деб. Фойда чиқса қаердадир қақшайдилар “У одамга яқинлигим — гуноҳим”, деб.

Бу одамлар яхшиликнинг таърифини Сувдек ичган, ўргатишар ўзгаларга. Яхшиликни ерга кўмар — тушилик чоғи Емишига бир сўм тўланг сиз уларга.

Бу одамлар бечоранинг айни оғриқ Дардларини тишлаб-тишлаб кулиб юрар. Худбинликни, ялтоқликни, ноқасликни Бошдан оёқ ялтиллашиб кийган улар.

Бу одамлар камбағалнинг тўйхонасин Босмай туриб кетмоқликка сўрар изн. Нафи теғса товон ялар, тўрткўз бўлар, “Тўй”лаб ичар “улуғ”ларнинг ювиндисин.

Бу одамлар нодонларнинг борлигидан Қувонишиб, яхшиларни зийдан қочиб, Яшайдилар қоринлари ёмонликка — Ҳеч тўймасдан, Кунгайгина жойлар топиб.

Бу одамлар юрагининг кирларини Беркитишга тилларини асал қилган. Ва уларга қасдма-қасди, шўқр, тақдир — Зарур жойда забонимни заҳар қилган.

ОНАМ

Беш соатлик йўл эди Марғилоннинг ораси, Ўраладим Тошканди Марғилоннинг боласи. Марғилонда яшарди Оналарнинг онаси, Райҳон нафасли, қадди

Жаннатларнинг доласи. Насимларни таратган Сочларининг толаси, Кундузлардан ёруғроқ Кўзларининг қораси. Соғинчи — гул, дуоли Баҳорий кўк жоласи, Сўзлари — ойна, дили — Муҳаббат сайёраси. Эшитарди ҳаттоки Тушларининг ноласин, Не ҳам қилдим Тошканди Шу онанинг боласи? Шитоб кечди ой, йиллар, Дедим: “Бандман, чорасиз...” Маскан бўлди онамга Соғинч тоғин қояси. Беш соатлик йўл эди Марғилоннинг ораси, Қўл узатсам етгулик — Қошу қабоқ ораси... Ундан ҳам яқин экан Икки дунё ораси. Суйди, кутди ва кетди Оналарнинг онаси, Бу оламда йўқ энди Сочиниям толаси.

БИР ГАП

Қаттиқ боқманг кўнглимга, Гарчи сизга ҳеч кимман, Маликаҳон ойимнинг Жонидан сув ичганман. Парими, ҳурмиди ул, Нафаси жамбил эди, Бойлиги — бир ҳовли гул, Бахти — содда дил эди. Сарой этиб кўнглини Товланарди товуши, Губоргаям босмасди Ярақлаган кавушин. Ҳар томчи, ҳар гиёҳдан Топиб минг завқу маъно, Кумуши каби биттайдиди Шаҳри Марғилон аро. “Утган ўтди”, — дейсизми? Кимни аябди замон? Леким менинг руҳимда Йеми йўқ недир омон. “Қўлдан ортда қолмай”, деб Ким юзуриб елади, Мен ҳар тонгда гулбаргдан Шабнам ичгим келади.

ХУШИМДАГИ ТУШИМ

Тонг отиб, кун ботар — фарқи йўқ, Ҳафталар, ой ўтар — уйку йўқ... Йўлдаман, шодлигим шарҳи йўқ, Онамни кўргани кетяпман.

Тоғ — доvon йўлидан пиёда, Райҳонлар кучоқлаб минг шода, Юрагим сайин куч зиёда, Онамни кўргани кетяпман.

Йўлим жсар узра тик сўқмоқдир, Тошлари мисоли пичоқдир... Шукрона қушиларим сайроқдир, Онамни кўргани кетяпман.

Саратон оташи қовулар, Борлиқнинг тоқатин совулар... Теграмда бир салқин ҳовулар, Онамни кўргани кетяпман.

Ваҳ, ногоҳ бу нечук талотўн? Хас каби учди тоғу чўп... Беозор, осуда, кўнглим тўқ Онамни кўргани кетяпман.

Қаҳратон, зимистон очунда, Дунё кўрк — либосин ечинди... Нур, ҳарир ҳарорат ичинда Онамни кўргани кетяпман.

Қайда кун, юлдузи самонинг? Мағриби, Машиқи дунёнинг? Кўнглимда ой, қуёш — меҳмоним, Онамни кўргани кетяпман.

Қалбимдан яқинроқ кишим йўқ, Мансаб, шон, давлатга ҳушим йўқ. Бунданам зарурроқ ишим йўқ, Онамни кўргани кетяпман.

Этагим тортади — боламми? Бошиғим, “зап”им, шихонамми? Ризосин сўраб Ҳақ, оламнинг Онамни кўргани кетяпман.

Аразлаб, ишқ кўнглим тимдалар, Қайтгин, деб юзларин юмдалар... Волидам олдида ким улар?! Онамни кўргани кетяпман.

Ортади ўнгу сўл жилваси, Сароб ё дунёнинг ҳўиласи... Каъбалар каъбаси — сийнаси, Онамни кўргани кетяпман.

Дунё бир томон, у — чин томон, Омонат, ганимат, икки жон...



Ғафлатда қолдим деб: “Отди тонг...” Онамни кўргани кетяпман. Э-воҳ, бор экан-ку шиддатим, Қасд этсам, қўлағич қудратим!.. Кўкларда шўъладек бир қатим Онамни кўргани кетяпман.

“Соғиндим” сўзига сиғмасам!.. Дил ўтин босарми йиғласам!.. Қаьрига тўқилсам, тингласам... Онамни кўргани кетяпман.

ОҚ АТИРГУЛ

Қил-қизил гулларнинг ичинда Хаёлаш, расида, мулоим... Гулбарлар — бу қат-қат кўнглими, Тонглардан яратмиш Худойим. Бог тўла оловранг гуллар... Бир- Биридан қизиллик талашар. Яшиллик тахмига оқ чехра, Оқ сурур қанчалар ярашар. Чор тараф алвон гул, иши йўқ;

Не тугён, не гирён кўксимда? Оптоқ гул кўзимга сўзлади: “Ҳаммадан яхшимсан, ўксима. Ҳаммадан кераксан ўзима...” Бир нурки, жисимига элади. Тўймайман, оқ атиреуллардан Онамнинг ҳўилари келади.

* * * Саҳарлар тушими ё хушдек Харир чоғлардаму дийдор? Топилмас тўрт тарафдин, ҳур — Кўнгли ёқлардаму дийдор? Танам йўқликка маҳкумдир, Вале соғинч илоҳий нур, Сифотиға тилим ожиз Ўшал Болғардаму дийдор?..

БИР КУНИ...

Агар бир кун уйда йўқ бўлса онанг, Хўвиллаб, нурсизга ўхшар хонадон. Шундан йўл тўсишга кўндир баҳонанг: “Иссиқ...” “Совуқ...” Уйдан чиқманг, онажон...” Онанг меҳри тушган дастурхон файзли, Ҳар анжом ярақлаб, кулиб туради. Эшик, деразалар офтоб қарашли, Хоналар меҳрга тўлиб туради. Чинилардан келар болнинг мазаси, Бошқана эркалар кўрна, тўшақлар. Ҳатто пайпоқларинг хушбўй нафасли, Оптоқ рўмолчали ички чўнтақлар. Тиндириб дунёча шани, чарнамас — Сенга ой, кўёидек парвоналикдан, Леким... у қоямас, чайир арчамас, Тақдирга таслим бу мардоналик ҳам. Бир кун, эй-й!... Тасаввур этмайсан бугун, Жим қулар бу кунлар бахт, салтанати... Ишқилиб, қалбингда очиқ қолмасин “Қадрингиз билмабман, она...” — дард хати, “Дунёга келмабман, она...” — дод хати.

СЕВГИ

Кўнгли учун, армон учун, Безак учун севадим, Ё шунчаки танҳоликда Эртак учун севадим. Қай кун сенга ишқ назарим Тушди — йўқдир хабарим, Шоирона, ўн саккиз ёш Юрак учун севадим. Сўзларимга изламадим Сайқал баҳор рангидан, Кўп тинглаган афсонавий Эртак учун севадим. Дўсту ёрсиз умрим ярим, Шодликларим бесамар, Деб бу йўлда кимдир биров Керак учун севадим. Дунё ишқий китобларин Ўқиб чиқдим нечасин, Ундан ибрат олиб ёки Уртак учун севадим. Қалбда қуёш бўлиб балқидинг, Ўзга таибёҳ на ҳожат? Қуёшимсан, бошқаларга Бермак учун севадим.



Китоб ўқиган, ўзини устида ишлаган одамда қанот бўлади. У бефарқ бўлмайди. Унинг кучи билимида бўлади. Шунинг учун ҳеч кимни писанд қилмайди. "Катталар"га хушомад қилмайди. Унинг билими бор, илми бор. Мана нима учун китоб ўқинглар деймиз. Китоб ўқисангиз савол беришни биласиз.

ҚИММАТГА ТУШГАН НИЯТ

Ҳар бир инсон борки, яхши ўқишларда ўқишни, юқори лавозимларда ишлашни, ўзи севган ёри билан турмуш қуришни ниёт қилади. Бу орзу-ниятларни амалга оширишда бевосита ота-оналар сабабчи бўлишади. Кечаю-кундуз тинимсиз меҳнат қилишади. Фарзанди келажаги учун керак бўлса соғлиқларидан ҳам воз кечишади.

Маҳалладошимиз Ақром ақанинг ҳам эшиги совчилар кела бошлашган. Ака оддий устачилик қилиб оиласи учун меҳнат қилади. Унинг ягона қизи бор. Исми ҳам жисмига мос Лола. Қиз ҳозир Низомий номидаги Педагогика университетининг битирувчи курсида ўқийди. Битирувчи бўлганлиги учун уйига совчилар суриштириб кела бошлашган. Мана бугун ҳам бой-бадавлат хонадондан қизининг қўлини сўраб келишди. Қиз йигитга

жуда ҳам ёқиб қолган эмиш. Йигит "уйлансам фақат шу қизга уйланаман" деб туриб олган. Буни қарангки, келган совчилар онага ёқди ва уларга розилик билдириб юборди. Совчилар бирдан "нон синди" маросимини ҳам ўтказишди. Кечга ота ишдан уйига келди ва бу хабарни эшитиб ҳайрон қолди. — Бу нима қилганинг онаси, биз улар билан тенглаша олаемизми? Бироз кутсанг ўзи-

мизга мос оиладан совчи келар эди, дея асабийлашди. — Йигитга қизимиз ёқиб қолган эмиш, чорасизликдан розилик билдириб юбордим. Тўйни қайтарай деса маҳалла-қўйда қизини гап-сўз бўлишини ўйлади. Ота ҳам тақдирга тун берди. Энг асосий галва ана энди бошланди. Харажатлар масаласига келди. Шу ўринда ота-боболаримиздан қолган бир ҳикматли сўз ёдга тушади. "Топганинг тўйларга буюрсин". Қуда томон ҳам шу нақлга амал қилди. Келиннинг ота-онасига "ажойиб" шартларни қўйди. Биринчисига, келин-куёв учун ажратилган бўш хонадонни бекаму-кўст қилиб тўлдиришни айтди. Начора Ақром ака қизи учун ҳаракат қилди. Етмаганига дўст-биродарларидан қарз олди. Бир амаллаб масаланинг ечимини топди ва хонадонни тўлдири-

ди. Навбат энди сарполар масаласига келди. Ақром диди нозик қудаларига сарполар танлашда жуда қийналди. Буни қарангки, кўёвнинг қариндошлари бу томондан ҳам қуда томонга ажойиб шартлар қўйди. — Ҳамма сарполар фақат чет элники бўлсин, деган эмиш. Ақром ака бу масаланинг ҳам ечимини бир амаллаб топди. Тўйгача Ақром ака ва хотинининг бир оёғи бозорда бўлди. Мебель, сарпо-сурук, кийим-кечакларнинг сарасини танлади. Бу шартларни барчасини амалга ошириш учун ота бечора қўшимча иш топди. Уйнинг яқинидаги мактабда кечаси қоровулчилик қилар эди. Нихоят тўйга ҳамма нарсалар тайёр. Фақат тўй кунини кутиш қолди, холос. Соғлиқдан хавотирланган Ақром ака бир нарсани кўнгли сезгандек аёлига:




— Онаси илоҳим шу қизимизнинг тўйини кўриш насиб қилсин-да. — Дадаси бу нима деганингиз, Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, дея аёл эрига далда бўлди. Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Тўйга ҳам оз фурсат қолган эди. Барча интиқлик билан кутарди. Ҳаммаси яхши эди-ю, лекин бечора отанинг соғлиги ёмонлашган. Узоқ текши-

рувлардан кейин шифокорлар рад жавобини беришган. 22 май. Нихоят никоҳ куни ҳам келди. Тонг саҳардан келин ва кўёв томон хонадонларида тўй шукуҳи кезиб юрарди. Аммо бечора отанинг соғлиги оғир аҳволга келди. Кечки базм соат 18:00га шохона рестороанлардан бирида бўлиши белгиланган. Аммо кувонч узоққа бормади. Унинг ўринини ҳам-қайғу қамраб олди. Тўйнинг эртасига бечо-

ра ота ўз омонатини топширди. Хурсандчилик узоққа чўзилмади. Барча қариндошуруғлар кўзда ёш билан Ақром акани сўнгги манзилга кузатди. Хулоса ўрнида шунга айтишимизки, ҳаммамиз ҳам яхши ниёт қиламиз. Фақатгина мейв-ёрни унутмасак бўлгани. Шунда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Муҳаммадсодиқ Тўраев



КЕЧИНМАЛАР

Менинг ҳам сиз билмас дунёларим бор

Хар бир инсоннинг қалбида сирли бир олам яшайди. Бу оламда сўзлар айтилмайди, фақат ҳислар "гўё" тилга келади. У ерда менинг ўйларим, орзуларим ва кечинмаларим бор. У ерда мен сиз кўрмаган ҳикоялар, сиз эшитмаган қўшиқлар яшайди. Менинг сиз билмас дунёларим — тинчлик манзили. Бу ерда мен жамият қўйган қоидалардан озодман. Хар қандай ниқобларни ечиб ташлайман ва ўзим бўлиб қоламан. Шу ерда болаликдаги орзуларимни қайта топаман, вақт ва макондан кутулиб, ҳақиқий менликни ҳис қиламан. Бу дунёда шовқин йўқ. У ерда мен ўзимга саволлар бераман: "Мен кимман? Бу ҳаётда нимага интилоқдаман?" Жавоблар ҳаммиша аниқ бўлмадлиги мумкин, лекин шу жараёнинг ўзи менга сабоқ бўлади. Менинг сиз билмас дунёларимда кўрқувлар ҳам бор. Улар кўзга кўринмас, лекин сиз этилади. Мен улар

билан хар куни курашаман. Бу курашда мағлуб бўлмаслик менинг яшаш сабабимга айланади. Бу дунёда сизга айтилмаган гапларим бор. Улар кўрқувдан эмас, балки тил билан ифодага бўлмайдиган туйғулардан иборат. Уларни тушуниш учун кўнгли билан қараш керак. Менинг сиз билмас дунёларим — менинг ҳақиқий борлигим. Агар сиз уни тушунишга уринсангизми, буни билмайман. Аммо у дунё мен учун қадрли. Чунки у ерда мен ўзимман. "Хар кимнинг қалбидаги бу дунёни тушуниш учун эҳтиром ва сабр билан қараш керак. Шунинг ўзи одамларга яқинлашишнинг йўлидир".

Нега ўлимдан кўркмай қўйдик? Кўп ўйлайман: нега ўлим бу қадр оддий бир нарсага айланди? Илгарилари ўлим ҳақида ўйлаш ҳам қалбни титратар, тирикликнинг қадрига етказар эди. Ҳозир эса ҳаётдаги барча муҳим нарсалар каби ўлим ҳам арзонлашиб қолгандек. Биз

ўлим ҳақида шундай бефарқ гапирамизки, гўё унинг борлиги ҳаётнинг табиий бир қисми, шунинг учун унга аҳамият бериш шарт эмасдек. Эҳтимол, бунга турмуш шовқалоқлиги сабабчидир. Кундалик машғуллотлар, муаммолар ва ташвишлар орасида ўлим ҳақида ўйлашга фурсат тополмаймиз. Ёки замонавий технологиялар, ижтимоий тармоқлар бизни шунчалик машғул қиладики, фойиллик ҳақида ўйлашга эҳтиёж қолмайди. Бироқ шу ҳақда ўйлайманки, бизнинг ўлимдан кўркмай қўйишимиз ортида яна бошқа сабаблар бор. Ҳозир одамлар моддий дунёни шунчалик яхши кўриб қолдиларки, руҳий қадриятлар ўткинчи нарсалардек туюлади. Улим эса руҳий тушунча билан боғлиқ. Уни чуқур ҳис этиш учун қалб руҳий дунёни англаши, чуқур маъноларга етиши керак. Биз эса қалбни чуқурликдан кўра сиртки ва моддий нарсалар билан банд қиламиз. Яна бир жиҳати — ўлим борасидаги илмлар ёки маърифий тушун-

чалар камайиб кетди. Илгарилари ота-боболаримиз ўлимни ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида тушунар, уни қадрлар эди. Бугун эса, айниқса ёшлар ўлимни табиий жараён сифатида кўриб, унга ҳеч қандай руҳий ёки ахлоқий аҳамият бермай қўйгандай. Аммо ўлимни англамаслик, ундан кўркмаслик — фақатгина бизга осонроқ яшаш имконини бергандек туюлади. Лекин бу ўзига хос ўзгаришларсиз қолмайди. Чунки ўлимни ёдда тутиш инсонга тирикликнинг қадрини, яқинларнинг аҳамиятини, вақтнинг нақадар муҳим эканини уқтиради. Биз шу нарсаларни унутганимиз учун, балки, ўлимдан ҳам кўркмай қўйгандиримиз. Шу ўринда бир савол пайдо бўлади: ўлимдан кўркмаслик бизни кучли қилади ёки биздан барча инсонийликни олиб қўядими? Хар ким бу саволга ўзи жавоб топиши керак. Аммо ҳаётга янгича назар солиш учун ўлимни англаш, ундан қўрқиб эмас, балки ундан сабоқ олиш керақдир. Шундагина бизнинг ҳаётимиз ҳақиқий қадриятларга бой бўлиши мумкин. **Мен бахтни онамнинг кўзларида кўраман** Бахт — хар ким учун ўзига хос тушунча. Кимдир уни катта ютуқларда, кимдир эса молу давлатда кўради. Мен учун эса бахт — онамнинг меҳрга тўла, нурили кўзларига боқишдир. Онамнинг кўзлари ҳаётимнинг энг илк ҳис-туйғуларини, энг ёрқин хотирларини акс эттирадиган ойна каби. Онамнинг кўзлари — тинчлик ва ҳавфсизлик манбаи. Унга қараганимда, бутун дунёнинг яхшилиги ва гўзаллиги ўша назарида мужассам бўлиб туюлади. Болаликда кўрқаканмида ёки янглиш қадам ташлаганимда, унинг меҳрга тўла қарашини барча ташвишларимни йўқотарди. Онамнинг кўзларида шундай чуқур муҳаббат борки, уни сўзлар билан таърифлаш қийин. Бу муҳаббат фақат ўз болалари учун яшайдиган

инсоннинг қалбидан чиқади. У кўзлардаги хар бир нур болаликда кўрган орзу-хавасларим, ёшлигимдаги кувончли онларим ва ҳаётнинг барча қийинчиликларига қарши курашиш учун керак бўлган кучимдир. Кўпинча ҳаётнинг ташвишлари туйғуларига унга етарлича меҳр ва вақт ато этмаганимни ҳис қиламан. Аммо унинг кўзларига боққанимда, доим кечирим ва чексиз муҳаббатни кўраман. Шу боис мен бахтни доимо онамнинг кўзларида топаман. Бугун ҳам унинг кўзларига боқаман ва ўзимга сўз бераман: онамнинг меҳрли нигоҳларини ҳеч қачон хиёнат қилмаслик, унга доимо кувонч бағишлаш ва унинг орзуларини амалга ошириш учун ҳаракат қилиш. Чунки ҳаётнинг энг гўзал бахти — онамнинг нурили нигоҳларида яширинган. **Баъзан сукут энг тўғри йўл бўлади** Ҳаётда шундай онлар борки, сўзлар биз учун фойдасизга айланади. Айрим ҳолатларда, биз ўз ҳис-туйғуларимизни, ҳаётимиздаги сирли жараёнларни сўзлар билан тушунира олмаймиз. Ана шундай пайтларда сукут қилиш — энг тўғри йўл бўлади. Сукунат — кучсизликнинг эмас, ақллилик ва сабрнинг белгиси. Хар қандай вазиятда ҳам оғзимиздан чиқадиган хар бир сўз масъулиятни талаб қилади. Нотўғри айтилган сўз қалбни озорлайди, муносабатларни бузади. Шу сабабли, баъзан ўз сўзларингни жиловлаб, ҳодисаларни тушунишга имкон бериш энг яхши ечим ҳисобланади. Сукунатнинг яна бир афзаллиги бор — у фикрларингни жамлайди. Жимлик орқали инсон ўзининг ички оламига назар ташлайди, тафаккур қилади, ўзини ва бошқаларни тушунишга ҳаракат қилади. Шу орқали бир қарашда мураккаб бўлиб кўринган муаммоларнинг ҳам ечимини аниқланади. Баъзан вазият сўзлашишни талаб қиладиганда туюлиши мумкин, ле-

кин унинг самараси шубҳали бўлса, сукут қилиш афзал. Чунки хар бир сўз вақтида айтилганда, қиймат касб этади. Нотўғри пайтда айтилган сўз эса хатто ҳақ бўлса ҳам, ўз моҳиятини йўқотиши мумкин. Шундай қилиб, сукут — бу ҳимоя, сукут — бу ҳурмат, ва сукут — бу тинчликдир. Баъзан ҳаётда энг катта донолик — ҳеч нарса демасликдир. **Оддийликда ҳаловат бор** Оддийлик — бу табиийлик ва тўғрилиқнинг тимсоли. Унинг илк қарашдаги камтарлиги ортида катта бир ҳикмат ётади. Хар кунлик ҳаётимизнинг шовқин-суронлари, мураккаб муносабатлар ва керагидан ортикча оқлар остида, биз кўпинча оддийликнинг ҳақиқий қадрини унутиб қўямиз. Оддий ҳаёт бизга нафақат енгиллик, балки ўзимга хос ҳаловат тўхфа этади. Табиатнинг ўзини кузатинг: чимларнинг майин хилпираши, қўшларнинг шивирлашлари ёки кун ботишининг сокин манзараси — буларнинг барчаси оддийликнинг гўзал намуналаридир. Бироқ бу нарсалар инсон қалбига чуқур таъсир қила олади, чунки улар орқали руҳий сукунат топамиз. Мураккаблик ва зўриқишга берилган замонамизда оддий ҳаётни танлаш, ўзинга яқин бўлган нарсаларга қониқиш билан яшаш катта жасоратни талаб қилади. Аммо шундай ҳаётда инсон ҳақиқий бахт ва ҳаловатни топади. Шу сабабли, ҳаётимизда оддийликка ўрин беришимиз керак. Хар нарсда мувозанатни топиш, кераксиз нарсалардан воз кечиш ва қалбимизда руҳий сокинликни сақлаш бизга ҳақиқий ҳаловатни ҳис қилиш имконини беради. Оддийликда буюклик бор, чунки у инсонни табиийлигига қабул қилишга ўргатади ва унинг туб моҳиятини англашга ёрдам беради. **Ислом ЭҒАМБЕРДИ ўғли.**

Bugungi O'ZBEKISTON

Ijtimoiy-iqtisodiy, axborot, huquqiy, madaniy-ma'rifiy gazeta
МУАССИС ВА ХАМКОРЛАРИМИЗ: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси, "BUGUNGI DAVR" МЧЖ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Убайдулла МИНГБОВЕ (таҳрир хайъати раиси), Кўнгирутбой ШАРИПОВ, Абдуасид КЎЧИМОВ, Улуғбек ҚОСИМОВ, Соатмўмин ЖУМАЕВ, Хикматулло ҚОДИРОВ, Ҳамза МАХМУДОВ, Фулом МИРЗО, Тоштемир ТУРДИЕВ

Бош муҳаррир: Соатмурод ЖУМАЕВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2021 йил 20 декабрда №1491 рақами билан рўйхатга олинган.
E-mail: bugungiuzbekistan@gmail.com
НАШР ИНДЕКСИ — 298

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетадан кўчириб босилганда "Bugungi O'ZBEKISTON"дан олинган кўрсатилиши шарт.
Газетада зълон қилинган материаллардаги фактлар учун муаллиф жавоб беради.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Нашр учун масъул: Хикматулло ҚОДИРОВ

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
Телефонлар: (71)-244-33-82, +99890-927-99-91, +99897-450-15-71

Газета "ШАРҚ" НМАК Босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш вақти — 20.00
Топширилди — 18.00.
Адади — 2100.
Буюртма - Г-406
1 2 3 4 5 6